O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 19 июнь, шанба № 73 (1961). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 19 июня, 2004 г. № 73 (1961). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси очилди

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар кўпдан буён жаҳон ҳамжамияти эътиборини бутун дунёга таҳдид солиб турган халқаро террорчилик, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарларнинг олдини олишга даъват этиб келади. Шунинг баробарида, ушбу мамлакатлар бундай жиддий хатарларга қарши курашиш йўлида изчил амалий одимлар қўймоқда. Қароргоҳи пойтахтимизда жойлашган ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти бунинг ёрқин тасдиғидир.

ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил қилиш ҳақида 2001 йил июнь ойида Шанхайда ўтган биринчи саммитда қарор қабул қилинганди. 2003 йил май ойидаги Москва саммитида эса мазкур тузилма қароргоҳини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинган эди.

Ўтган қисқа даврда мамлакатимиз пойтахтида ана шу қўмита учун махсус бино ажратилиб, у энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Янги тузилма шу йил 1 январидан тўлақонли фаолият юрита бошлади.

17 июнь куни — Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Тошкентда ўтаётган навбатдаги мажлиси олдидан — ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг расмий очилиш маросими бўлди.

Шу муносабат билан бу ерга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамкорлигида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ташриф буюрди.

Тантанали маросим янги тузилма биноси остонасида лента қирқишдан бошланди.

Олий даражадаги меҳмонларда ушбу муассаса биносининг оддийлик ва улуғворлик ўзаро уйғунлашган кўркам қиёфаси яхши таассурот қолдирди. Давлат раҳбарлари муҳташам мажлислар зали, матбуот анжумани ва бошқа тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал, меҳмонхоналарнинг шинамлиги, қулайлиги ҳамда энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланганлигини юксак баҳоладилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тадбирни очар экан, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ШҲТга аъзо давлатлар етакчилари қарори билан ташкил этилганлигини таъкидлади. Ушбу тузилма фаолиятининг асосий жиҳатларига тўхталди. Хусусан, ҳозирги замондаги хавф-хатар ва хуружларга қарши Аксилтеррор тузилма доирасида ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур. Тузилмани юксак малакали мутахассислар билан таъминлаш даркор. Бу мутахассислар ШҲТга аъзо мамлакатлардаги ўз ҳамкасблари билан мунтазам тезкор алоқа боғлаб туриши муҳим аҳамиятга эга. ШҲТга аъзо давлатлар махсус хизматлари ўртасида ўзаро юксак ишонч ўрнатилишига эришиш керак. БМТ, МДҲ, ШҲТ ва Интерпол аксилтеррор марказлари бир-бирлари билан мунтазам ахборот алмашиб туриши айни муддаодир.

Маросимда БМТ Осиё ва Тинч океани минтақаси бўлими директорининг ўринбосари Владимир Горяев, ЕХҲТ Аксилтеррор маркази дастури мувофиқлаштирувчиси Димитар Жалнев, МДҲ Аксилтеррор маркази раҳбари Борис Мильников ва МДҲ Ижрочи котиби Владимир Рушайло сўзга чиқди.

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини тузиш орқали ШҲТга аъзо давлатлар етакчилари террорчиликка қарши курашда ушбу мамлакатлар куч-қудратини, имкониятларини, тажриба ва услубларини бирлаштиришни, мазкур иллатга қарши ҳамкорликда курашишни кўзда тутгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Мазкур тузилма ахборот ва маълумотлар тўплаш ҳамда ШҲТга аъзо давлатлар вакилларининг бир жойда ҳамкорликда ишлаши учун имконият яратади. Худди шу мақсадда тузилма таркибида кенгаш ва ижроқўм фаолияти йўлга қўйилган. Кенгашга олти давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган. Ижроқўмда эса ўзаро тасдиқланган лавозим ўринларига мувофиқ ШҲТга аъзо давлатлардан вакиллар ишлайди. Бу тизимларга раҳбарлик аъзо давлатлар ўртасида алмашиб турилади. Айни чоғда кенгашга Қирғизистон, ижроқўмга эса Ўзбекистон раҳбарлик қилмоқда.

Ушбу тузилмада ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эллик нафар мутахассиси фаолият кўрсатади.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус мухбири.

Президентлар учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июнь куни Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, Афғонистондаги тикланиш жараёнларига доир, жумладан, давлатимизнинг қўшни мамлакатга кўрсатаётган ёрдамини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳамид Карзай Ўзбекистоннинг Афғонистон инфратузилмасини тиклашга қўшаётган ҳиссаси гоят салмоқли эканлигини таъкидлади. ШҲТ саммитига таклиф этгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

***

Мамлакатимиз раҳбари шу куни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан ҳам учрашди. Мулоқот асносида Ўзбекистон ва Қирғизистон хавфсизлик органларининг ҳамкорлиги, сув-энергетика захираларидан янада унумли фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Асқар Акаев ШҲТнинг Тошкент саммити якунларига юқори баҳо берди ва Ислом Каримовни бу муваффақият билан самимий қутлади.

(ЎзА).

● СЕРЖАНТЛАР — АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

ТАЖРИБА БОБИДА ТЕНГСИЗЛАРДАН



Шартнома бўйича хизмат катта сержанти Алижон Ўразбоевнинг вазифаси ҳайдовчи. У қишки ўқув мавсумида барча машғулотлардан яхши ва аъло кўрсаткичларга эришиб, командирлари томонидан ўзига билдирилган ишончни оқлади. Кўп йиллик умрини ушбу соҳага бахшида этган бу тажрибали ҳарбий хизматчи жанговар машинани ҳар томонлама мукаммал билади.

У ҳақида бўлинма командири шундай дейди: «Сержант Ўразбоев қисмнинг ўз касбини пухта эгаллаган, тажрибали ҳайдовчиларидан. Унинг жанговар машинаси бирон марта ҳам панд бермаган. Посбон бир назар солгандаёқ техниканинг қаерида носозликлар мавжудлигини дарров пайқайди.

Катта сержант Алижон Ўразбоев бугун ёзги ўқув мавсумида ҳам фаолликни сусайтирмаган ҳолда янги марралар сари интилмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ.

Александр МРУЧАК олган сурат.

Хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида 17 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) саммити бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислик қилди.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Нурсултон Назарбоев, Ху Цзинтао, Асқар Акаев, Владимир Путин, Имомали Раҳмонов ва Ислом Каримов ШҲТни ривожлантириш ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Халқаро ташкилотларнинг нуфузи ва аҳамияти уларга дунёда берилаётган эътибор ва фаолиятининг самарадорлиги билан белгиланади. ШҲТ ташкилот сифатида шаклланиш ва бошланғич тадрижий ривожланиш жараёнини қисқа фурсатда босиб ўтди. 2001 йил 15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида олти мамлакат раҳбари ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чекди. Унинг доимий ишловчи икки органи — Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этишга келишиб олди. Таъсис ҳужжати — Хартия (низом) 2002 йил 7 июнь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди. Шу тариқа ташкилот халқаро юридик мақомга эга бўлди.

Ўтган йил 29 май куни бўлган Москва саммитида 2004 йилнинг январидан Пекинда Котибиятни, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини ишга туширишга қарор қилинди.

Булардан ташқари, 2003 йил сентябрда Ҳукумат раҳбарлари кенгаши қарори билан савдо-иқтисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

ШҲТ доирасида аъзо мамлакатларнинг ташқи сиёсат маҳкамалари, иқтисодиёт ва савдо вазирликлари, хавфсизлик кенгашлари ўртасида мунтазам мулоқотлар ўтказилмоқда. Тошкент саммити арафасида ҳам бу идоралар раҳбарларининг учрашувлари ташкил этилди. Бу ташкилотни ривожлантиришга, унинг доирасидаги ҳамкорликка муҳим аҳамият берилаётганидан яна бир далолатдир.

Тошкент учрашувида кўрилган масалалар орасида ШҲТ фаолиятининг икки асосий йўналиши — хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг бош мавзуси бўлди.

Қатнашчилар Мўғулистон Президенти Нацагийн Багабандининг мурожаатини кўриб чиқиб, ушбу мамлакатни ташкилотга кузатувчи мақомида қабул қилишга қарор қилдилар.

Нафақат ШҲТ минтақаси, балки бутун дунёдаги вазиятга таъсир кўрсатиб турган Афғонистондаги вазият ҳам анжуман кун тартибидан ўрин олди. Таъкидламоқ жоизки, Афғонистон муаммоларини ҳал қилишга бағишланган анжуман ва йиғилишлар кўпинча бу давлатнинг иштирокисиз ўтиб келарди. Аниқроғи, Афғонистон муаммоларини ечишда Афғонистоннинг ўзи қатнашмас ва бунга муҳим аҳамият берилмасди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Афғонистонда марказий ҳокимият йўқ эди, мамлакатни бўлиб олиб, ўзига тегишли ҳудудларни назорат қилувчи гуруҳлар эса бир-бирини тан олмас, бир даврада учрашишни истамасди. Энди вазият ўзгарди. Шу боис Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ШҲТнинг Тошкент саммитига Афғонистон муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай меҳмон сифатида таклиф қилинди. Мантиқан олганда, унинг бевосита муҳокама жараёнида иштирок этиши вазиятни тўғри баҳолаш ва ҳар томонлама мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Шу тариқа ташкилот тарихида илк бор ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги учрашувида Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай ва Мўғулистон Президентининг вакили, мамлакат ташқи ишлар вазири Лувсангийн Эрдэнэчулуун қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

● ЁЗГИ МАВСУМ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ — АВЖИДА

МАХСУС БЎЛИНМА ПРОФЕССИОНАЛИ

Шартли душман келиши эҳтимол тутилган жойларга пистирма қўйилди. Ғор, даралар кўздан кечирилиб, кузатув пункти ишончли маскировка қилинди. Бу жанговар вазифаларга асосан гуруҳ командирининг ўринбосари шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Насим Намозов бош-қош бўлганини таъкидлаш лозим. Негаки, унинг ўз вазифаси — пулемётчи. Мазкур тактик машғулотда эса унга юксак ишонч билдирилди. Кичик сержантнинг командирлик, етакчилик қобилияти ўзига хос синовдан ўтди, дейиш ҳам мумкин. Аввало у барча сафдошларини руҳлантирди. Маскировка илмини пухта билгани боис, ўзи намуна қилиб кўрсатди ҳам. Хуллас, шартли душманга пистирма қўйиш вазифаси қойилмақом уддаланди.

Лавҳамиз қаҳрамони махсус бўлинма сафларига тасодифан қўшилиб қолганлардан эмас. Полвонкелбат, ўктам бу ўғлон муддатли ҳарбий хизматини десантчилар жамоасида ўтаб, чиниққан. Мана, унинг шартнома бўйича хизматига ҳам тўрт йилча бўлиб қолди. Ўтган шу давр уни янада тоблади, дея оламиз. Негаки, у соҳа бўйича профессионаллашди. Дейлик, ўзи эгаллаб турган пулемётчилик вазифасини олайлик. Нигинларда қатнашиб, ўз вазифасини пухта ўрганди. Тоғ тайёргарлиги, разведка илмини ўрганди. Бунда капиталар Рафиқ Ганиев, Фаррух Қўрғонбоевларнинг хизматлари беқиёс. Масалан, тоғ

(Давоми 2-бетда).

● БУГУН — БИТИРУВ ТАНТАНАСИ

ЭГНИГА ШАРАФДАН КИЯЖАК ЛИБОС

Олий ҳарбий билим юртларининг битирув тантаналарида кўп бўлганман. Унинг анъаналари, гашти хусусида кўп ва хўп ёзилган. Айниқса, истиқлолга эришиб, ўз миллий кадрларимиз тайёрлана бошлагандан бери бу тадбирнинг биз учун аҳамияти янада ортди.

Мана, бугун ҳам навбатдаги битирув. Офицерлик остонасидан ҳатлаш арафасида турган ўғлонларда ҳаяжон ҳисси баланд. Айниқса, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти, ҳадемай офицерлик сари парвоз этажак шунқор Равшан Матёқубовда. Ахир, бугун унинг битирув тантанасига бобоси — истеъфодаги полковник Абдуманноп Матёқубов келиши керак. Ўзича ҳаёлан бобоси билан гаплашади: «Ўртоқ полковник, лейтенант Матёқубов буйруғингизга биноан ҳузурингизга келди». Бу ўй-хаёлидан миянигида кулиб қўяди. Курсантлигида таъзилга борса, бобоси доимо панд-насиҳат берарди. Ҳатто бирор бир фандан қийналганини айтса, уришиб берарди ҳам. «Бу касбни асл эрларга чиқарган. Қийинчиликларга чидамасанг, танлаб нима қиларсанг», дея танбеҳлар берган. Аммо уришса ҳам, тергаса ҳам меҳри унга бўлакча. Бобонинг неварага меҳрини айтаяпман-да. Равшанни сал кўрмаса, соғиниб қолади. Ҳатто билим юртига кўп бора неварасини кўришга келган ҳам.

Таъкидлаш жоизки, Равшан полковник бобосининг кўнглидагидек ҳарбий бўлиб етишди. Узоққа бориб ўтирмасдан, давлат имтиҳонларини олайлик. Барини «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширди. Ҳатто тарбиявий ишлар услубиётидан «яхши» баҳо олганида қувончига шерик бўлганман. Миллий кураш бўйича билим юртида бўлиб ўтган мусобақаларда ўз вазни тоифасида кўп бора голиб бўлган. Билим юрти жамоаси таркибида қувноқ билимдонлар баҳси мусобақаларида фаол қатнашиб келган.

Хоразмнинг Қўшкўпирида-ку, Равшан курсант бўлганидаёқ дув-дув гап бўлган. Фалончининг ўғли десантчи офицер бўларкан, омадини берсин, дея ҳавас қилганларнинг эса саноғи бўлмаган.

Лавҳамиз қаҳрамони Урганчдаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейни тугатиб, билим юртига ўқишга кирган. Ўша битирувида ҳам бобоси табриклаган, бағрига босган, дуолар қилган. Аммо бугунги битирув билан унинг ўртасида улкан фарқ бор. Лицей битирувчиси ҳаётнинг паст-баландини ҳали яхши англамаган, ҳарбийлик — офицерлик касбининг машаққатли, масъулиятли қирраларини тўла ҳис этмаган ўғлон эди. Билим юрти битирувчиси бугуннинг офицери — Ўзбекистон Қуролли Кучлари офицери қандай бўлиши, қанақа сифатларга, хусусиятларга эга бўлиши лозимлигини яхши билади. Бу ҳақда гап очганимда, «Президентимиз айтганларидек, ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам», дейди у. Бу интеллектуал даражаси юксак бўлмоғи, замонавий ҳарб илмини пухта билмоғи, командирлик сифатлари шаклланган бўлиши лозим, дегани. Билим юртида миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбияланиб, ана шу сифатларни ўзида уйғунлаштирди. Демак, парвозга шай қушнинг қанотлари мустаҳкам. У баланд-баландларга парвоз этиш учун ҳам яна ўқийди, изланади, илғор тажрибаларни ўзлаштиради. Ҳозирча ҳаяжонлари, ширин ташвишлари билан ёлғиз қолдириб, Равшанга ва у сингари бугун лейтенантлик погони ва диплом насиб этадиган юртимизнинг марду майдон ўғлонларига оқ йўл тилаб қоламиз.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАШРИФ ЯКУНЛАНДИ

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ХХР Раиси Ху Цзинтао 18 июнь куни рафиқаси билан қадимий Бухоро шаҳрига ташриф буюрди. Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Икки давлат раҳбарлари дастлаб муҳташам Аркка ташриф буюрдилар. Бу қалъа қарийб 4,2 гектар майдонни эгаллайди. Маълумотларга қараганда, Арк нинг бунёд этилганига 1,5 минг йилдан ошган. Ноёб обида Хитой раҳбарида катта таассурот қолдирди.

Меҳмонлар IX—X асрларда бунёд қилинган ва ҳалигача ўзининг мукаммал математик ўлчовлари, Шарқона безаклари билан ҳар бир кишида ҳайрат ва қизиқиш уйғотадиган Исмоил Сомоний мақбарасини томоша қилдилар.

Пойи Калон мажмуининг шуҳрати дунёга ёйилган. ХХР Раисига обида ҳақида батафсил маълумот берилди. Минораи Калон пойдевори 10 метр чуқурликда жойлашган, ерусти қисмининг баландлиги эса қарийб 50 метрга етади. Марказий Осиёдаги энг йирик масжид — Масжиди Калон Шарқнинг қўли гул меъморлари томонидан XV—XVI асрларда бунёд этилган. Истиқлол йилларида, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи арафасида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан у тўбдан таъмирланди. Мажмуа таркибига кирувчи Мир Араб мадрасасида ҳозир талабалар диний ва дунёвий фанларни чуқур ўрганмоқдалар.

Ху Цзинтао Ўзбекистонда тарихий ёдгорликларни, миллий-маданий меросни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш масалаларига алоҳида эътибор берилаётгани таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлади.

Халқларимизнинг Буюк Ипак йўли орқали ривожланган қадимий алоқалари, бой маданий ва тарихий мероси бугунги кунда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши асос бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Олий мартабали меҳмон Хитой Ўзбекистон билан сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканлигини маълум қилди.

Ху Цзинтао кўрсатилган юксак иззат-икром ва эҳтиром учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Ташриф асносидаги келишувлар яқин орада самарасини беришига ишонч билдирди. ШҲТнинг Тошкент саммити юқори савияда, муваффақиятли ўтгани барча аъзо мамлакатлар учун қувонарли, Ўзбекистон учун эса алоҳида ютуқ эканлигини қайд этиб, Ислом Каримовни бу ютуқ билан яна бир бор самимий қутлади.

Шу куни ХХР Раиси Ху Цзинтао Бухородан жўнаб кетди.

Аэропортда олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кузатиб қўйди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

Саналаримиз садоси • Пульс планеты

МИД Новой Зеландии издал обращение к своим гражданам в связи с возможными терактами во время проведения Олимпийских игр в Афинах. В связи с этим гражданам страны рекомендуется быть осторожными в Греции, несмотря на принимаемые там меры безопасности.

***

По данным исследований, опубликованных журналом «Уолл Стрит Джорнал», в 2003 году число американцев, обладающих капиталом более 1 млн. долларов, увеличилось до 14%. Исследования состоятельности граждан, проведенные брокерской фирмой «Меррил Линч энд Компани», показали значительное увеличение количества состоятельных лиц в США через четыре года после того, как спад на фондовом рынке нанес удар по многим инвесторам.

***

Власти Аргентины отказались выдать Испании одного из лидеров баскской сепаратистской группировки ЭТА 47-летнего Хесуса Лариса Иридо, который обвиняется в обстреле в 1984 году полицейского автомобиля, в результате которого получили ранения двое полицейских. «Экстрадиция подозреваемого отменена из-за ограничений, имеющихся в аргентинском законодательстве», — заявил федеральный судья Клаудио Бонадио.

***

В Брюсселе временно приостановлено обсуждение кандидатур на пост нового главы Еврокомиссии, однако решение по этому вопросу должно быть принято до полуночи по среднеевропейскому времени, сообщают дипломатические источники. Наиболее вероятными кандидатами на пост главы Еврокомиссии, который покидает Романо Проди, считаются премьер-министр Бельгии Ги Верхофштадт и еврокомиссар по внешним сношениям британец Крис Паттен.

***

Правительство Египта намерено до конца июня подать президенту страны Хосни Мубараку прошения об отставке, сообщает египетская газета «Аль-Ахрам». Как говорится в статье, Мубарак поручит новому премьер-министру сформировать новое правительство к концу июня или началу июля.

***

Выход в открытый космос экипажа девятой основной экспедиции на Международной космической станции состоится в ночь на 25 июня. Об этом сообщил «Газете. Ру» руководитель пресс-службы ЦУПа Валерий Лындин. «Эта дата уже согласована с американской стороной. Космонавты откроют люки около двух часов ночи, выход продлится около шести часов», — отметили в ЦУПе.

***

В Ираке пока еще слишком много насилия для восстановления там постоянного присутствия представителей ООН, заявил генеральный секретарь Кофи Аннан. «На сегодняшний день обстоятельства не позволяют», — сказал Аннан журналистам после завершения своего визита в Южную Америку. На прошлой неделе СБ ООН принял резолюцию, в которой ООН предоставляется «лидирующая роль» в подготовке к передаче власти иракскому временному правительству и будущих выборов. В то же время по настоянию Аннана в резолюцию была внесена поправка о том, что постоянное присутствие ООН в Ираке возобновится только «когда обстоятельства позволят».

***

Окружной суд Сеула приговорил председателя правления корейской корпорации «Хундай Мотор Групп» Ким Донг-джина к двум годам лишения свободы условно. Донг-джин признан виновным в создании финансового фонда поддержки политиков на президентских выборах 2002 года. Несколько десятков членов парламента Южной Кореи были обвинены в получении денег из этого фонда.

(По страницам Интернета).

Хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ШҲТ саммити кун тартибида хавфсизлик масаласига кенг ўрин берилгани бежиз эмас. Яқинда Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари хавфсизликка таҳдид ҳамон сақланиб қолаётганини кўрсатди. Бу воқеалар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракат сифатида қабул қилиниши лозим.

Маълумки, бутун дунёда террорчилик кучаймоқда. Ядровий, кимёвий, биологик, электрон террорчилик хавфи пайдо бўлди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ШҲТ эгаллаган минтақада таҳдидларнинг олдини олиш учун яхлит бир тизим, умумий механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ташкилот хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида амалий ҳамкорликни ривожлантираётганини таъкидлаш жоиз. Тошкентда расман очилган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона қўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган.

Президент Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, террорчиликка қарши курашда қўпорувчиларни, уларнинг базаларини йўқотиш билан чекланиб, яъни таҳдидларга фақат куч билан жавоб бериш билан кифояланиб бўлмайди. Одамларнинг онгини заҳарлайдиган, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин курашиш керак. Бу кураш сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мезонларни ҳам қамраши даркор.

Саммитда Ўзбекистон раҳбари ана шу заруратни таъкидлар экан, террор ва наркобизнес учун «транзит давлат» тушунчасининг ўзи йўқлигини қайд этди. Яъни, таҳдид муайян бир мамлакатга қарши қаратилмаган бўлса, унга нисбатан бефарқ бўлиш — нотўғри. Ер юзида террорчилар ўзини хотиржам сезадиган жой қолмагандагина террорчиликка қарши халқаро кураш кутилган самарани бериши мумкин.

ШҲТ саммитида кўрилган иккинчи асосий масала савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ. Зеро, иштирокчилар таъкидлаганидек, ШҲТ аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир. Иқтисодий ҳамкорликда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид масалалар, хусусан, ичимлик суви муаммоларини ҳал қилиш каби долзарб вазифалар бор.

Ислом Каримов Марказий Осиёда умумий бозор яратиш тўғрисидаги таклифни ШҲТ саммитида яна бир бор эълон қилди. Зеро, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини тузган минтақамиз мамлакатларининг бу мақсадга эришишида Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ШҲТ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, ШҲТ мамлакатлари қитъаларараро транспорт йўлакларининг муҳим бўғинидир. Шуни инобатга олсак, янги транспорт тармоқларини барпо этиш орқали ШҲТ мамлакатлари дунёнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда қўшимча имкониятга эга бўлади. Маълумотларга қараганда, ҳозир Хитой йўналиши. Афғонистон орқали Форс кўрфази бандаргоҳларига чиқадиган йўналиш бўйича лойиҳалар ўрганилмоқда.

Фан-техника ва юқори технология, энергетика соҳаларида ҳам интеграция жараёнларини кучайтириш орқали, минтақавий ҳамкорликни кенг кўламли халқаро ҳамкорлик даражасига кўтариш мумкин.

Самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, бунинг учун эса мулоқотларни фаоллаштириш, ШҲТнинг бир мамлакатидан иккинчисига борадиган сармоянинг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий пойдеворни яратиш керак. Бу йўлда учрайдиган тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш зарур. Шунда ҳамкорликдаги иқтисодий дастур ва лойиҳаларнинг кўлами янада кенгаяди.

Саммит қатнашчилари савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантиришга келишиб олдилар.

Инғилишда Россия Президенти Владимир Путин ШҲТнинг Афғонистон бўйича мулоқот гуруҳини тузиш таклифини илгари сурди. ХХР Раиси Ху Цзинтао Хитой ҳукумати ШҲТ доирасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга 900 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишини маълум қилди.

Учрашувнинг якуний хулосаси шундан иборатки, аъзо мамлакатларнинг иқтисодиётни юксалтириш, халқлар фаровонлигини ошириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлиги ШҲТнинг, шубҳасиз, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Ташкилот тўла шаклланиб бўлди, энди амалий ишлар даври бошланди.

Саммит қатнашчилари ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича Тошкент декларацияси, ШҲТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор ҳужжатларни имзоладилар.

Журналистлар билан учрашувда саммит қатнашчилари мулоқотлар гоят самарали бўлганини, имзоланган ўнта ҳужжат ташкилот тўғри йўлдан бораётганини кўрсатишини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов Тошкент саммити ШҲТнинг шаклланиш даврини ниҳоясига етказиб, унинг фаолиятида амалий мазмун, устуворлик касб этган янги даврни очиб берганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ШҲТ қисқа вақт ичида тўла ҳуқуқли халқаро ташкилотга айланиб улгурди. Бу даврда катта ишлар амалга оширилгани ташкилотнинг юксак нуфузи ва улкан салоҳиятидан далолатдир.

ШҲТнинг навбатдаги саммити Қозоғистонда бўлади ва унга энди Қозоғистон томони раислик қилади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Военно-политические новости

ПОДОЗРЕВАЕМЫЕ ОСВОБОЖДЕНЫ

В Испании освобождены трое марокканцев, которые подозреваются в участии в терактах 11 марта. В то же время им запрещено покидать страну до окончания расследования. Мохаммед Чауи, Мохаммед аль Беккали и Абдеррахим Эбах были арестованы полицией одними из первых после взрывов в Мадриде. Всего тогда были задержаны 25 человек: 16 марокканцев, один сириец, двое индийцев и шесть испанцев.

УВЕЛИЧАТ ЧИСЛЕННОСТЬ

Сенат США проголосовал за увеличение численности армии США на 20 тыс. человек. За такое решение высказались 93 сенатора против 4. Теперь численность армии составит 502,4 тыс. человек. Затраты составят около 1,7 млрд. долларов. Как сообщил председатель сенатской комиссии по вооруженным силам Джон Уорнер, скорее всего, эти деньги будут изысканы из денег, выделенных на войну в Ираке и Афганистане.

«ПОДДЕЛЫВАЛИ» ОСТАНКИ...

Вьетнамская полиция арестовала двоих жителей этой страны, которые «подделывали» останки американских солдат, пропавших без вести во Вьетнаме. Мошенники намерены были предложить останки властям США в обмен на деньги. Вьетнамцы предлагали кости небольшого размера, а также фальшивую марку и подпись одного из американских солдат, воевавших во Вьетнаме. Чьи на самом деле это кости, пока неясно. К настоящему времени пропавшими без вести в Юго-Восточной Азии считаются 1,8 тыс. американских солдат и около 300 тыс. вьетнамцев.

ВНОВЬ ПОДЧЕРКНУЛ, ЧТО...

Японские власти приняли решение об участии сил самообороны в многонациональных силах под эгидой ООН в Ираке, которые будут созданы после 30 июня. Как сообщают японские СМИ, впервые за послевоенный период Япония будет участвовать в операции подобного рода. В то же время премьер-министр страны Дзюнъитиро Коидзуми вновь подчеркнул, что японские войска не будут... принимать участие в военных операциях и не будут находиться под командованием другой страны.

В ОБХОД МИНИСТРА

Белый дом 11 сентября 2001 года в обход министра обороны США Дональда Рамсфельда приказал американским ВВС сбить захваченные террористами самолеты, которые были использованы в терактах. В то же время в сообщении комиссии по расследованию терактов 11 сентября говорится, что ни один из их самолетов не был сбит. Комиссия посчитала, что ВВС США и военное командование слишком медленно реагировали на угрозу терактов. Как выяснила комиссия, поднятые в воздух истребители не имели шансов сбить или перехватить четыре захваченных самолета из-за неразберихи и плохого взаимодействия между «неподготовленными» военными и гражданскими властями. В ходе заседания комиссии, в частности, был приведен разговор между вице-президентом США Диком Чейни и Рамсфельдом. Согласно этому разговору, министр обороны ничего не знал о разрешении сбивать пассажирские самолеты в случае угрозы.

В СВИДЕТЕЛИ — ПОЛИТИКОВ

Обвиняемый в ряде военных преступлений экс-президент Югославии Слободан Милошевич намерен пригласить в качестве свидетелей на судебный процесс в Гаагском трибунале бывшего президента США Билла Клинтона, канцлера ФРГ Герхарда Шредера и премьер-министра Великобритании Тони Блэра. Эти политики вошли в список из 1400 внесенных Милошевичем свидетелей, сообщил источник в суде. Рассмотрение по существу дела экс-президента Югославии в Гаагском трибунале начнется 5 июля. Пока ничего не сообщается о реакции на запрос Милошевича судей трибунала, ведущих дело бывшего югославского президента.

(По материалам Интернет).

ДУНЁ БИЗДАН ЎРГАНСА!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг энг шарафли, айни чоғда ўта масъулиятли вазифасида хизматларини ўтаб келаётган сержантларимизнинг нафақат жисмоний-техник жиҳатдан, балки маънан ва руҳий томонлама ҳам дунёқарашлари кенг эканлиги таҳсинга лойиқ. Улар билан мулоқот уюштириш орқали ҳарбийларнинг қайноқ ҳаётига яқинроқ кириб борасан, киши. Ватан мудофаасига шай, кеча-кундуз ҳушёр турган бу ўғлонлар суҳбат давомида юрт ҳимоячилари фаолияти билан сизни ошно этиб, беихтиёр кўнглингизда ажиб бир ифтихор ифодасини уйғотади. Яъни, жаннатмакон бу азиз юртимиз осойишталиги учун кўкси қалқон Алпомишлар авлоди қасамёдига ҳамиша содиқ, буюк мақсад сари оғишмай ҳаракат қилаётганини англаб етамиз.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, ўз ихтиёрим ва иштиёқим билан шартнома асосида хизмат қилишга бел боғладим ҳамда яхшилаб тайёргарлик кўриб, сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга келдим, — дейди Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида таваллуд топган Шамил Қодиров. — Синовлардан муваффақиятли ўтиб, айни чоғда машғулотларни бошлаб юбордик. Бирга таҳсил олаётган дўстларимнинг барчаси камида 2—3 йил хизмат қилиб, ҳар томонлама чиниқиб, тобланган, ҳамма вақт сафдошларига ўрнак бўлиб келган йигитлар. Ана шундай ботир ўғлонлар билан бир сафда турганимдан қувончим чексиз. Қолаверса, улар билан фахрланаман ҳам.

— Сержантликка ўқиш давомида билим ва тажрибангиз нечоғлиқ мустаҳкамланаяпти?

— Сержантлар тайёрлаш мактабида ҳарбий санъат сирларини янада чуқурроқ ўрганяпмиз. Взвод командири капитан Халилов, жисмоний тайёргарлик машқларидан капитан Муҳаммадиев, тарбиявий ишлар бўйича взвод командирининг ўринбосари лейтенант Юсупов ва бошқа малакали офицерлар бизга сабоқ бермоқдалар. Ундан ташқари, мустақил тайёргарлик машқларида кутубхонада машғулотни давом эттирамиз.

— Ҳарбий соҳани танлашингизда оиланинг ўрни нечоғлиқ таъсир кўрсатди?

— Оила илк пойдевор вазифасини ўтади, десам, тўғри бўларди. Чунки отам мактабда чақириққача тайёргарлик фанидан дарс берардилар. Буни қарангки, 8 ўғилнинг 6 таси ҳарбийликни ихтиёр этган. Хуллас, акаларим ҳам республикамизнинг турли жойларида эл хизматида юришибди.

— Танлаган соҳангиз орзуларингизнинг амалга ошишда қай даражада ўрин тутади деб ўйлайсиз?

— Ўйлашимча, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Бунинг учун эса, аввало, чуқур билимга эга бўлишимиз, тинимсиз меҳнат қилишимиз шарт. Яъни, биз ривожланган давлатлар ҳарбийларидек бўлишимиз, ҳатто улардан ўтишимиз лозим. Қани эди дунё бошқаларидан эмас, Ўзбекистон Қуролли Кучларидан ўрганайлик, деса! Мен шу даражага етишишимиз ва келажакда биз улардан эмас, улар биздан ўрганишларини жуда-жуда хоҳлардим. Бу йўлда ҳар қанча машққатларга бардош беришга тайёрмиз, деб бемалол барча сафдошларим номидан айта оламан. Чунки бизнинг Ўзбекистон тупроғидан жаҳонга машҳур саркардалар етишиб чиққан. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк йўлбошчиларни ким ҳам билмайди, дейсиз!

— Шомил тўғри айтяпти, — дея уни қувватлади суҳбатимизга қулоқ солиб турган унинг сафдош дўсти Жаъфар Мирзаев. — Биз ҳам ҳарбий санъатнинг юксак чўққиларини забт этишимиз керак. Ўйлайманки, забт этамиз ҳам. Чунки тайёргарлик кўраётган йигитлар жуда ҳам саралаб, танлаб олинган хизматчилардан иборат. Тест имтиҳонлари, тиббий текширув ва жисмоний тайёргарлик синовларидан ташқари, ҳатто интеллектуаллик қобилияти ҳам талаб даражасига етганларгина билим даргоҳига қабул қилинди. Бу ерда билимимиз яна ҳам мукаммаллашса, марра бизники.

— Қайси фанлар сизни кўпроқ қизиқтирди? — мурожаат қиламан Жаъфарга.

— Махсус фанлар — жанговар тайёргарлик машқлари, жисмоний, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, ўт очишни бошқариш, ҳуқуқий билимлар борасида янги-янги нарсаларни ўрганяпмиз.

— Техника борасида-чи?

— Подполковник Стучаев жанговар техника сирларидан бизга сабоқ бериб келяпти. Бу томондан ҳам билим ва малакаларимизни ошириямиз. Қисқаси, офицерларнинг биринчи ёрдамчилари, армиянинг суянчи ва таянчи саналган сержантлар ҳар томонлама мукаммал бўлишлари учун улардан кўп нарса билиш талаб қилинади. Шунинг учун ўқиб, ўрганяпмиз. Келажакда нафақат сержант, балки намунали офицер бўлиш ҳам кўпчилик дўстларимнинг юксак орзуси. Қуролли Кучларимизнинг босқичма-босқич профессионал армияга ўтишида албатта ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Ҳа, бундай иштиёқ, бундай шижоат билан қутлуғ қадамларини ташлаб келаётган алп ўғлонларимизнинг эртаси ёруғ, келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ. Улар сўзларининг устидан чиқишини биз ҳам, барча муштарийлар ҳам жуда-жуда истаймиз ва уларга ишонамиз!

Лейтенант
Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОФИЦЕР КЎМАГИ БИЛАН

Сурхондарёнинг сўлим қишлоғида туғилиб вояга етган Толибжон дўстларидан бақувват ва ўктамлиги билан доимо ажралиб турарди. У қишлоқдоши Дилшод акага ўхшаб ҳарбий бўлишни хоҳлаганлиги боис, мунтазам спорт билан шуғулланиб, ўзини чиниқтириб борди. Истагини ота-онасига айтганда, улар ҳам соғлом ва баркамол бўлиб вояга етган фарзандларини эзгу мақсади йўлида қўллаб-қувватлашди. Шундай қилиб, йигит олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топширди. Аммо, негадир бу ишда унинг омади чопмади. Ҳужжатларини қайтариб олган Толибжон муддатли ҳарбий хизматга отланди. Ҳар томонлама соғлом ва илмли бўлган ўғлон хизмат машақкатларини тезда енгиб, армия ҳаётига мослашди. Албатта, бу ерда ёш, тажрибали батальон командири катта лейтенант Ҳикматулло Тўхтабоев ҳамда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Санъат Омоновларнинг ҳаётий маслаҳатлари ва ўз ўрнида тўғри олиб борган сабоқлари қўл келди, дейиш мумкин. Аскарлардан ёрдамини аямасдан, уларни тўғри йўлга йўналтираётган жонкуяр офицерлар хизматини ҳам таъкидлаш жоиз.

Толиб шартнома асосида хизмат қилиш истаги борлигини айтганда, командири катта лейтенант Ҳ. Тўхтабоев уни қўллаб, ҳужжатлар тайёрлашда керакли ёрдамини аямади. Ҳозир шартнома бўйича хизмат оддий аскари Толибжон Ғаниев Чирчиқдаги сержантлар тайёрлаш мактабида кичик командирлик илмидан сабоқлар олмоқда.

— Ёшликда ҳамқишлоғим Дилшод акадек эгнимга ҳарбий либос кийиб, ҳамманинг менга ҳам ҳавас билан боқишларини ҳоҳлар эдим. Хизматга келганидан кейин ҳарбийларнинг иш жараёнларини кузатиб, соҳага бўлган қизиқишим янада ошди. Мен ҳам офицерларим — катта лейтенантлар Ҳикматулло Тўхтабоев, Санъат Омоновлар каби фидойи юрт ҳимоячиси бўлмоқчиман. Айни пайтда ота-онам ҳам фарзандининг юртга посбонликдек шарафли касбни эгаллаганидан ниҳоятда фахрланишади, — дейди биз билан суҳбатда бўлажак кичик сержант Т. Ғаниев.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ИДЕТ ЛЕТНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА

С БОЕВЫМ НАСТРОЕМ

Жаркое летнее солнце уже поднялось, когда началось очередное занятие по строевой подготовке в подразделении под руководством лейтенанта А. Ибрагимова. На плацу воины-десантники выполняли строевые приемы, вырабатывая волю, стойкость к трудностям, необходимые вооруженным защитникам Родины.

Как отметил руководитель занятия, со всеми строевыми приемами солдаты хорошо знакомы, но нет еще четкости, уверенности. Над этим и работал офицер в ходе занятия.

— Рядовой Собиров, выйти из строя! — командует лейтенант. Солдат чуть замешкался, но все же собрался и, выполняя команду, четким строевым шагом подошел к командиру...

Особое внимание уделяется в этой боевой группе новичкам, их внешнему виду, строевой выправке. За каждым новобранцем закреплен опытный военнослужащий, который призван вовремя подсказать, стать примером для своего сослуживца. Например, за рядовым Ж. Собировым закреплен рядовой А. Баракаев, за А. Собиржоновым — А. Жумаев, Д. Абдурахмоновым — Х. Худоназаров.

Такое закрепление было апробировано еще в прошлом периоде обучения. И это дало положительный результат в итоге. Это касается не только строевой подготовки, но и других предметов обучения. Как известно, у десантников дружба, взаимовыручка всегда ценились.

Еще об одном немаловажном штрихе поделился рядовой Ж. Собиров, один из лучших строевиков и боевиков части.

— Знаете, — говорит он, — одно дело, когда ты сам отвечаешь всем требованиям командиров, это, конечно же, хорошо, но если закрепленный за тобой молодой солдат имеет пробелы, то тебе большой минус, твоему организаторскому подходу...

... Занятие прошло результативно. Главное, что многие недочеты были устранены, считает лейтенант А. Ибрагимов. Детально отработаны повороты на месте, выход из строя, повороты в движении. А закончилась строевая подготовка прохождением по плацу с песней. С боевым настроем десантники отправились на следующее учебное занятие, согласно распорядку дня...

Лейтенант
Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».



Бўлинма командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Умид Юсупов тажрибали ҳарбийлардан. Доимо қўл остидаги посбонларга соҳа сир-асрорларини ўргатади. Айни ёзги ўқув мавсумида ҳам у сафларга баҳорда қўшилган аскарларга машғулотлар ўтиб, кўникмалар ҳосил қилаяпти.

Александр МРУЧАК суратга олган.

Махсус бўлинма профессионали

(Давоми. Боши 1-бетда).

тайёргарлигида арқон ёрдамида тепаликка чиқиш, сойликдан кечиш, блок-постларда туриш, ярадорларни эвакуация қилиш кабиларни ўзлаштирди. Тактика илмида қаерга, қандай пистирма қўйиш, маскировкани ўрганди. Кичик командир сифатида қобилияти бор посбон етакчилик сифатларини ҳам тез шакллантирди. Бир неча бора дала машғулотида гуруҳ командирига ўринбосарликни муносиб уддалади. Бунга унинг жанговар вазиятни тўғри баҳолай олиши, фикрлай билиши сабаб. Яъни, у вазиятдан келиб чиқиб, посбонларни тегишли позицияларга жойлаштира билади. Дейлик, шартли равишдаги мудофаа жангида ким, қайси маррада туришини белгилаб, кўп бора эътирофга сазовор бўлган.

Ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарликлардан ҳам доимо юксак натижаларни қўлга киритиб келаяпти. Масалан, Президентимизнинг «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз кучқудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ», дея номланган китобини ўрганишга бағишланган машғулотда кичик сержант Намозов фаол қатнашди. Ҳатто сафдошларини террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашда доимо сергак, ҳушёр бўлишга даъват этди. «Бу йўлда Президентимиз, халқимиз биз сингари ўғлонларга суянади. Шундайин юксак ишончга муносиб бўлмоғимиз лозим», деди жумладан у. Ёки бўлмаса Қуролли Кучларимиз сержантлари мақоми тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарорига ҳам муносабатини билдирди. Хуллас, у сержантларга бўлаётган бугунги талабни яхши англайди. Офицерларнинг биринчи ёрдамчиси, таълим, тарбия ишида аскарнинг асосий устози бўлишга ҳаракат қилади. Муҳими, ана шундайин мақсади бор, интилиши бисёр. Юрагида Ватанга муҳаббат жўш уриб турибди. Демак, суянсак суянчимиз, таянсак таянчимиз бўла оладиганлардан.

Капитан
Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Оддий аскар Виктор Целгородцев взвод бўйича посбонлик қилар экан, ўз вазифаларини тўғри тушунади. Дейлик, ёзги ўқув мавсумининг илк кунларида у жамоада посбонлик қилганида ўқув тревогаси эълон қилинди. Виктор сафдошларининг сафга тизилиши, дарҳол жанговар шай ҳолатга келишига бош-қош бўлди. Муҳими, у посбонлик вазифасини бажарганда, сафдошларининг шахсий буюмлари, взвод мулки сақланишига катта эътибор қаратади.

Суратда: посбон — оддий аскар Целгородцев навбатчи кичик сержант Тимур Ёқубовга билдирув бераяпти.

Александр МРУЧАК суратга олган.

Замонавий талаблар асосида

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Фарғона солиқ коллежининг II босқич курсантлари Ҳарбий қасамёд қабул қилишга тайёргарлик кўришмоқда. Ватан ҳимоячилари ҳаётида унутилмас бўлиб қоладиган ушбу кунда коллежнинг битирувчи босқич курсантларига мутахассислик дипломлари ҳам топширилади.

Курсантлар ўқув режасида кўзда тутилган жанговар тайёргарлик курсини ўтаб, назарий билимларни ўзлаштиришди ва дала машғулоти давомида амалий кўникмаларни эгаллашди. Коллежда яратилган замонавий шарт-шароитлар уларнинг тўлақонли билим олиб, солиқ тизимининг малакали мутахассислари бўлиб етишишлари учун яхши асос бўлди.

Коллеждаги замонавий талабларга мос тарзда жиҳозланган лингофон, компьютер, турли фанлар бўйича ўқув хоналари, жаҳон андозаларига мос бокс, атлетик гимнастика заллари, нодир адабиётлар билан таъминланган бой кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари, ётоқхоналар — буларнинг барчаси коллеж ёшларининг мукаммал илм олишлари учун беназир хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, курсантларнинг ҳар томонлама кучли, ақлли, билимли бўлишлари учун, салоҳиятларини намоён қилишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, коллеж профессор-ўқитувчилари дарсларни ўқитишнинг илғор усулларини қўллаган ҳолда олиб боришади. Қабул қилинаётган коллеж ўқувчиларининг малакали, Ватанга садоқатли солиқчилар бўлиб етишишлари учун устозлари бор кучғайратларини аямай меҳнат қилишмоқда.

Набижон ҚОРАБОЕВ,
коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари.

СОРЕВНОВАТЕЛЬНЫЙ ДУХ

За моими плечами уже полгода службы в подразделении связи. Могу уверенно сказать, что постоянно проходящее у нас соревнование между воинами имеет большую воспитательную роль.

Все мы решили на общем собрании подразделения не сбавлять темп учебы, накал соревнования, не опускаться ниже обязательств, отраженных на экране соревнования, что находится у нас в комнате общественно-политической информации.

Уже сейчас можно понять, как закончится учебный период у моих сослуживцев, начавших этой весной службу в армии. Стремление большинства из них, таких, как рядовые У. Шабдурасулов, Б. Арсеньев, У. Хашимов, стать отличниками, вселяет уверенность, что в наших подразделениях к концу учебного года станет немало умелых связистов-радиотелеграфистов, релейщиков.

Совсем недавно старший офицер из вышестоящего штаба проверил наши навыки по знанию условных позывных, порядка передачи и получения информации в эфире, оперативность перехода на резервные частоты, эксплуатацию аккумуляторных батареек и остался доволен, объявив личному составу благодарность.

Много интересного о ходе выполнения своих обязательств по соревнованию между военнослужащими в других частях мы узнаем и из нашей газеты «Ватанпарвар». На нее мы, как и наши офицеры, на текущее полугодие подписались заранее. Дух соревнования увлекает всех, каждому хочется быть первым.

Рядовой Максим ШОДИЕВ.

● ВЕСТИ ИЗ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ

«Мечтаю стать профессионалом!»

В воинском коллективе артиллерийской батареи под командованием лейтенанта Шерхона Сапарова в соперничестве на звание лучшего активно участвуют все расчеты. Атмосфера состязательности побуждает старательно осваивать секреты своей воинской профессии и новобранцев подразделения.

Казалось, совсем недавно мне и моим друзьям Жасуру Алавиддинову, Сохибу Рахмонову и Тохиру Усмонову довелось перед всем строем личного состава произносить священные слова Военной присяги. Однако первые месяцы службы летят незаметно и быстро — так как они до предела заполнены ратным трудом.

Мне отведена должность старшего наводчика, чем я очень горжусь — ведь от моих усилий во многом зависит ведение меткого огня нашим расчетом. И поэтому с первых занятий стремлюсь добросовестно и старательно отрабатывать каждый вопрос. Нам повезло с командирами — они не только проявляют заботу о создании всех необходимых условий для несения службы, но и смогли заинтересовать нас на занятиях, доходчиво и умело разъясняют все вопросы.

Внимательно наблюдая за четкими и отлаженными действиями военнослужащих по контракту, поневоле позавидовал им — мне бы так. И созрело решение — стать военным профессионалом. Конечно, я понимаю — для этого надо очень много и серьезно работать над собой. Но трудности не пугают меня — под чутким руководством добрых наставников любые задачи будут по плечу. И командиры поддерживают во мне огонек честолюбивых устремлений, помогая советом и делом. А значит, мечта стать военным профессионалом вполне может свершиться.

Рядовой
Баходыр БИЛЯЛОВ,
Восточный военный округ.

В ПЕРСПЕКТИВЕ—СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ПАРТНЕРСТВО

Состоявшийся 14—18 июня государственный визит Председателя Китайской Народной Республики Ху Цзинтао в Узбекистан по приглашению Президента Узбекистана Ислама Каримова открыл новый этап сотрудничества во взаимоотношениях двух стран. По заявлению руководителей Узбекистана и Китая, переговоры в Ташкенте прошли в духе дружбы, открытости и деловитости. По всем обсуждавшимся вопросам отмечено единство взглядов, а подписанные по итогам переговоров документы не только укрепят правовую основу взаимоотношений двух стран, но и придадут им новое содержание. Стороны подтвердили свое стремление в перспективе подписать новый документ, который поднимет отношения Узбекистана и Китая до уровня стратегического партнерства.

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

Еще совсем недавно при слове Китай в нашем сознании возникали ассоциации, связанные с Великой китайской стеной, миллиардным населением, с «культурной революцией». Сегодня эти ассоциации совершенно другие. Китай — это стабильный рост ВВП — ежегодно 7-8 процентов. Это очень высокий процент при такой масштабной, мощной экономике, обеспечившей Китаю достойное место среди лидирующих стран. Китай — это передовые технологии и огромные достижения страны в науке, образовании и культуре. Китай — это высокий авторитет страны на мировой арене. Поэтому интерес к Китаю со стороны Узбекистана, как и интерес Китая к мощному в экономическом отношении Узбекистану, естественному лидеру в Центральной Азии, обоюдный. И потому в центре внимания переговоров как глав государств, так и делегаций в расширенном составе заняли проблемы дальнейшего развития партнерских отношений прежде всего по таким направлениям:

Первое направление — это сфера торгово-экономического сотрудничества. В прошлом году товарооборот между нашими странами составил более 300 миллионов долларов США. Это неплохой показатель. Но если учесть экономические возможности стран-партнеров, то станет ясно, что не задействован еще огромный потенциал как той, так и другой стороны. Важно подчеркнуть, что тенденция роста товарооборота сохраняется. За январь—апрель текущего года товарооборот возрос на 34 процента по сравнению с тем же периодом прошлого года. В настоящее время реализуется ряд двусторонних проектов, общая стоимость которых составляет 100 миллионов долларов США. А общая стоимость всех рассматриваемых проектов превысит 1 миллиард долларов.

Стороны отметили, что в развитии торгово-экономического сотрудничества нельзя ограничиваться только ориентацией на традиционные сферы сотрудничества. Надо расширять диапазон сотрудничества за счет новых сфер, либерализации торгово-экономических отношений, за счет разработки механизмов стимулирования сотрудничества между представителями малого бизнеса и частного предпринимательства. В этой связи **Президент Ислам Каримов указал, что Узбекистан готов сотрудничать в освоении месторождений нефти, газа и минералов, в добыче вольфрама и других драгоценных металлов, в химической промышленности, в производстве электронной продукции и компьютерной техники.**

Второе направление — это проблемы обеспечения безопасности и борьба против международного терроризма, экстремизма и сепаратизма, против транснациональной организованной преступности, контрабанды наркотических средств и оружия, против распространения оружия массового поражения. Основой для успешного решения этих вопросов является то, что подходы к решению международных проблем и проблем безопасности у наших стран схожи или близки.

Оба государства — **Узбекистан и Китай — твердо опираются на принцип непримиримости в борьбе против терроризма, экстремизма, сепаратизма и наркобизнеса, представляющих угрозу для безопасности наших стран и для всего мирового сообщества.** Узбекистан всецело поддерживает введенное в обращение Китаем понятие **«три зла»**, означающее терроризм, экстремизм и сепаратизм, и принцип **«пояса безопасности»** — составную часть внешней политики Китая, основанной на обеспечении безопасности и ускорении прогресса путем всестороннего развития отношений с соседними странами.

Совместная борьба с терроризмом и экстремизмом и другими угрозами безопасности во имя обеспечения мира и спокойствия в регионе полностью отвечает интересам как узбекского, так и китайского народов. Интересам двух стран отвечает и стабилизация обстановки в Афганистане, восстановление в нем экономики. Поэтому стороны считают целесообразным участие в восстановительных работах в Афганистане и, в частности, в строительстве новых транспортных коммуникаций.

Третье направление — это дальнейшее укрепление дружбы между нашими народами, активизация сотрудничества в социальной сфере. Традиционная дружба между народами Узбекистана и Китая уходит своими корнями далеко в глубь истории. При этом нельзя не отметить, что крепкую основу для развития дружественных контактов и взаимообогащения культур заложил Великий Шелковый путь. Наши народы учились друг у друга, постигали новое, обменивались опытом. Китай заимствовал у Узбекистана выращивание винограда, люцерны, других сельскохозяйственных культур. В свою очередь, узбекистанцы постигали секреты китайского шелководства, искусство плавки и другие технические новшества.

Сегодня Узбекистан и Китай заинтересованы в развитии связей в таких сферах, как наука, культура, образование, туризм, спорт, здравоохранение. В ходе переговоров достигнута договоренность о всесторонней поддержке сотрудничества в этих сферах. Высокую оценку руководителей двух стран получили прошедшие в Узбекистане Дни культуры Китая.

Руководитель Китая Ху Цзинтао оценил узбекско-китайские отношения, основанные на взаимном доверии и уважении, двусторонней заинтересованности, как общее достояние народов.

По итогам переговоров Президент Ислам Каримов и Председатель КНР Ху Цзинтао подписали Декларацию о дальнейшем развитии и укреплении дружественных отношений, партнерства и сотрудничества между Узбекистаном и Китаем.

Между правительствами двух стран подписаны соглашения о сотрудничестве в борьбе против незаконного оборота наркотических средств, психотропных веществ и злоупотреблений ими, о технико-экономическом сотрудничестве. В рамках этого соглашения Китай выделит Узбекистану 20 миллионов юаней на реализацию программы по технико-экономическому сотрудничеству. Предусматривается также предоставление Узбекистану беспроцентного кредита на 50 миллионов юаней и льготного кредита на 300 миллионов юаней. Подписан также Меморандум о расширении торгово-экономического и инвестиционного, финансового сотрудничества.

Подписан также ряд межведомственных документов. Министерство высшего и среднего специального образования Узбекистана и Министерство образования Китая подписали документ о создании Института имени Конфуция в Ташкенте. Подписаны соглашения о сотрудничестве между министерствами юстиции, нефтегазовыми комплексами двух стран, и в области культуры.

Президент Ислам Каримов выразил полное удовлетворение результатами переговоров с китайской стороной. Он же предложил разработать всеобъемлющее соглашение о широкомасштабном развитии партнерских связей с Китаем. Китайская сторона поддержала такой подход. И это вполне естественно. Взаимное уважение и доверие между руководителями двух государств, наличие и прочность правовой базы двусторонних взаимоотношений создают для этого все необходимые условия. И самое главное — обе стороны одинаково заинтересованы во всемерном развитии взаимных связей, в поддержке друг друга при решении как внутренних, так и международных проблем.

16 июня Председатель Китайской Народной Республики Ху Цзинтао посетил Олий Мажлис, где состоялась его встреча с Председателем нашего парламента Эркином Халиловым. Глава Китая выступил с речью перед депутатами парламента, руководителями министерств и ведомств, представителями общественных организаций. В своей речи он подчеркнул:

— После обретения независимости под руководством Президента Ислама Каримова республика укрепила государственный суверенитет, территориальную целостность и уверенной поступью идет по собственному пути развития, достигая высоких результатов.

Воины-узбекистанцы с огромным интересом следили за ходом переговоров между Узбекистаном и Китаем и с огромным воодушевлением восприняли их итоги. В них они видят заботу государства о безопасности страны, о ее экономическом развитии и благополучии народа. В них — торжество внешнеполитической деятельности нашей страны, ее все возрастающий авторитет на мировой арене. В них — наша уверенность в завтрашнем дне, в том, что широкомасштабные задачи, поставленные Президентом перед обществом и страной, будут успешно решены. Решение этих задач еще выше поднимет экономическую и оборонную мощь страны, ее возможности в проведении демократических преобразований, в строительстве правового демократического государства, гражданского общества. Верные народу и Президенту, воины Вооруженных Сил всегда будут начеку, будут надежно оберегать рубежи родной Отчизны, уверенно идущей к своей тринадцатой годовщине независимости.

А. ХЛЫЗОВ.

● САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ...



Шифокорлик касби, унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида ортиқча изоҳ беришнинг ҳожати йўқ. Одамзод яратилибдики, унинг табобатга бўлган эҳтиёжи ҳам бирга яралган. Шу сабабли шифокорликни шарафли касб, шифокорларимизни эса инсон саломатлигининг посбонлари, деб аташимиз айни ҳақиқат.

Тиббий хизмат подполковниги Ўткир Раҳимовнинг мана шу саломатлик посбонлари сафини тўлдириб турганлигига ўн етти йил бўлаяпти. Мен бу инсоннинг хизмат фаолияти тўғрисида сўз юритишимдан аввал, унинг отаоналари Раҳмонжон ака ва Едгора опалар бошчилигидаги ушбу оила ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтишни лозим топдим. Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида истиқомат қилаётган бу оддийгина ишчи оиласининг фарзандларига бугун ҳаммаси ҳаваси келиши шубҳасиз. Чунки оилада камол топган саккиз фарзанднинг барчаси юрт хизматидаги, эл назаридаги инсонлар. Наврўза ва Наргизахонлар ҳамширалик касбини эгаллаб, ҳарбий госпиталда хизмат қилишаётган бўлса, оиланинг олти ўғлони ушбу кунда Ватан тинчлиги, эл осойишталигининг посбонлари. Тиббий хизмат подполковниги Баҳодиржон Раҳимов малакали жарроҳ, Самарқанд ҳарбий госпитали бошлиғи. Самарқанд давлат университетини битирган сержант Ўктамжон Раҳимов Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида хизмат қилади. Тошкентдаги Техника университетини тамомлаган сержант Рустамжон Раҳимов қоровуллик бўлинмаси бошлиғи. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатган катта лейтенант Санжар Раҳимов Ички қўшинлар офицери, сержант Шавкатжон Раҳимов Ички ишлар ходими. Мақоламиз қаҳрамони тиббий хизмат подполковниги Ўткиржон Раҳимов эса айни кунда Марказий ҳарбий клиник госпиталининг қулоқ, бурун, томоқ касалликлари бўлими бошлиғи. Бу борада саккиз фарзандни мана шундай етук инсонлар қилиб тарбиялаган заҳматкаш ва содда Раҳмонжон ака ва Едгора опаларга фақат эҳтиром жоиз, албатта.

Ўткиржон тўғрисида алоҳида сўз юритадиган бўлсак, бу шифокорни бизга госпиталь бошлиқлари энг етук ва тажрибали тиббиёт ходими сифатида тавсия қилишди. Юзлаб шифокорлар хизмат қиладиган бу катта даргоҳда эътироф топишнинг ўзиёқ қаҳрамонимизга берилган катта баҳо эди. У билан суҳбатлашиш учун бир оз кутишимизга тўғри келди. Чунки шифокор беморга жонлантириш бўлимида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатаётган экан. Бу ҳолат унинг касб масъулиятидан дарак бериб турарди. Бироқ, самимий, шунингдек, камтар бу йигит билан суҳбат чоғида унинг ҳаёт йўлига назар ташладик.

Самарқанд давлат тиббиёт институтини 1987 йилда битирган Ўткиржон дастлаб Самарқанд шаҳридаги шифохонада иш бошлади. Кейинчалик Навоий шаҳрида ва Самарқанд шаҳридаги ҳарбий госпиталда оддий шифокор сифатида фаолият олиб борди. Йиллар давомида тажрибали ва етук мутахассисга айланган шифокор йигит 1993 йилда ҳарбий хизмат масъулиятини ўз зиммасига олган ҳолда ҳарбий госпиталнинг қулоқ, бурун, томоқ бўлими бошлиғи сифатида шифокорлик хизматини давом эттирди. 1997 йилдан буён эса Марказий ҳарбий клиник госпиталининг ушбу бўлими етакчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Ҳамма касбда ҳам интилиш, изланиш, касбий тажрибасини ошириб бориш зарур, албатта, — дейди Ўткиржон биз билан суҳбатда. — Айниқса медицинада ўз устида доимо ишлаш, замонавий тиббиёт янгиликларидан доимо бохабар бўлиш жуда муҳим. Чунки бу соҳа ортида инсон ҳаёти туради. Мен шифокорлик фаолиятимда қандай ютуқларга эришган бўлсам, ҳар бир муваффақиятимда устозларим ва сафдошларимнинг ўрни катта. Бу борада устозларимдан профессор Тахсин Насриддинов, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Генрих Арустамов, тиббий хизмат подполковниги Евгений Фатеевларнинг номларини алоҳида келтириб ўтишни истардим. Ҳарбий хизматчилар сафида эканлигим, Ватан посбонларига хизмат кўрсатишим эса фаолиятимга янада устуворроқ масъулият юклайди.

Ҳа, тиббий хизмат шифокорларини юрт осойишталиги билан бирга ҳарбий хизматчилар саломатлигининг посбонлари, десак, арзийди. Ўткиржон танлаган соҳа эса медицинанинг энг нозик соҳаларидан биридир. Яъни, ҳаво йўллари, мия фаолияти ва нутқ ривожланиши билан боғлиқ соҳадир.

Қаҳрамонимиз нафақат ўзи танлаган касби билан, балки барчага ўрнак бўлардек оиласи билан ҳам фахрланса арзийди. У ҳозирда уч паҳлавон ўғлининг отаси. Турмуш ўртоғи Гулнозахон ўқитувчи, шунингдек ораста оила бекаси.

— Ўткир ака учун хизмат доимо асосий ўринда туради, — дейди Гулнозахон самимийлик билан. — Турмуш ўртоғимнинг бундай фидойилигидан фахрланаман, фарзандларимни ҳам уларга ўхшашини истайман. Чунки масъулиятли инсон доимо эзу юрт назарида бўлади.

Шифокор учун беморнинг «мен сиздан даво топдим, қўлингиз дард кўрмасин», деган сўзи ёқимли бўлади. Тиббий хизмат подполковниги Ўткиржон Раҳимовнинг бундай миннатдорчилик сўзларига қолиқлиги хизматларида намоён бўлмоқда. Шунинг ўзи катта бахт бўлса керак.

Зулфия ЮНУСОВА.
«Ватанпарвар» мухбири.

БАРНО ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ҳар йили бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг умумармия «Энг яхши ҳамшира» кўрик танлови бу йил ҳам зукко ҳамшира қизларнинг бетакрор иқтидорларини намойиш этди. Янги-янги номларни кашф этган танлов шартларига бу йил ўзгача эътибор берилганлиги ҳам диққатга сазовордир. Яъни, беш босқичдан иборат ушбу танловда қизларнинг жисмоний тайёргарлигини синовдан ўтказувчи югуриш ва сузиш машқларининг қўшилишида ўзига хос мақсад бор, албатта. Чунки танловда иштирок этаётган ҳамширалар оддий тиббиёт ходимлари эмас, балки Ватан посбонлари сафида хизмат қилаётган тиббий хизмат ходимларидир. Шу сабабли қизларимиз дастлаб синовдан ўтган 100 метрга югуриш ва 25 метрга сузиш машқлари нафақат уларнинг касбий маҳоратда етук бўлишларини балки, жисмоний жиҳатдан ҳам баркамол бўлишлари лозимлигини таъкидлаб турди. Танловнинг дастлабки бу босқичига бир кун ажратилди. «Энг яхши ҳамшира—2004» кўрик-танловининг давоми иккинчи куни Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг йиғинлар залида давом этди. Танлов иштирокчилари: Тошкент ҳарбий округидан шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержанти Юлдуз Бойбусинова, Марказий ҳарбий округдан Қуролли Кучлар хизматчиси Нилуфар Жумақулова, Марказий ҳарбий клиник госпиталидан шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержанти Маҳмуда Ботаева, Шарқий ҳарбий округдан шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержанти Малика Нуриддинова, Марказий ҳарбий округдан Қуролли Кучлар хизматчиси Альбина Ҳотамова ҳамда Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержанти Эльмира Бердибоеваларнинг ҳар бир йўналиш бўйича чиқишларини Мудофаа вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бўлим бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Муҳаммаджон Раззоқов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари, Марказий ҳарбий клиник госпиталь филиали бошлиғи тиббий хизмат полковниги Худойқул Раҳимқулов, Мудофаа вазирлиги Тиббиёт ходимлари интернатураси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Насриддин Эрназаров, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази катта врач мутахассиси тиббий хизмат майори Муроджон Имомалиев ва Иккинчи Тошкент давлат медицина институти ҳарбий кафедраси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Исроил Маматовлар одилона баҳолаб боришди.

Танловда амалга оширилган ҳар бир босқичнинг ўз қаҳрамонлари бор, албатта. Масалан, биринчи босқичдаги 100 метрга югуриш шартида тиббий хизмат кичик сержантлари —Малика Нуриддинова ва Юлдуз Бойбусиновалар олдинги ўринни эгаллашган бўлса, 25 метрга сузиш босқичида биринчи бўлиб маррага кичик сержант Ю. Бойбусинова, иккинчи ўринда кичик сержант М. Ботаева етиб келди. Танловдаги ҳамшира қизларнинг касбий маҳоратларини синовдан ўтказувчи шартлар ҳам бу йил ўзининг мураккаблиги билан ажралиб турди. Масалан, учинчи босқичдаги ўта юқумли касалликлардан ҳимояланиш учун белгиланган махсус кийимни тартиб бўйича кийиш ва ечиш ҳамда беморга ҳар қандай шароитда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шартларини бажаришда ҳамшира қизларимиз анчайин тез тўқишларига тўғри келди. Умуман олганда, «Энг яхши ҳамшира—2004» танлови тиббий хизмат ҳамшираларини қай даражада етук эканликларини кўрсатиб берди. Байрамона бу танловда Ички ишлар вазирлигининг «Осиё юлдузлари» ансамбли иштирок этиб, куй ва қўшиқлари билан даврага кўтаринки руҳ бағишлаб туришди. Танлов сўнгида бир зум ҳаяжонли дақиқалар ҳукмрон бўлди. Айниқса, биринчи ўринга икки номзод — тиббий хизмат кичик сержантлари — Юлдуз Бойбусинова ва Маҳмуда Ботаевалар даъвогар бўлишганлиги сабаб, касбларига доир алоҳида саволлар берилди. Бу синовдан Марказий ҳарбий клиник госпиталь ҳамшираси тиббий хизмат кичик сержанти Маҳмуда Ботаева ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Тошкент ҳарбий округ вакили тиббий хизмат кичик сержанти Юлдуз Бойбусиновага, учинчи ўрин эса Марказий ҳарбий округ вакили Қуролли Кучлар хизматчиси Альбина Ҳотамоваларга насиб этди.



Ғолибларга ва барча танлов иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши вакили Мухтор Рустамов ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг «Аёллар қаноти» раҳбари Мухлиса Акрамовалар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Тиббий хизмат ҳамширалари — барно қизлар беллашувини юксак даражада ўтишида Марказий ҳарбий клиник госпитали мутасадди раҳбарларининг ҳиссаси юқори бўлди, албатта.

Зулфия НОСИРОВА.

● ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ИЧ ТЕРЛАМА — ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Ич терлама — ўткир юқумли ичак касаллиги бўлиб, касаллик қўзғатувчиси салмонеллалар авлодига кирувчи бактериялар ҳисобланади.

Ич терлама касаллиги дунёнинг ҳамма минтақаларида ва ҳар қандай иқлимда учрайди. Расмий маълумотларга кўра, ҳар йили ич терлама билан тахминан юз минглаб киши касалланиб туради. Республикамизда ич терлама касаллиги бўйича эпидемик ҳолат анча барқарорлашиб, сўнгги йилларда энг паст кўрсаткични ташкил қилганига қарамасдан, бизга қўшни бўлган республикаларда, хусусан Тожикистон ва Қирғизистонда ушбу касаллик бўйича эпидемик ҳолат нохушлиги кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва тижорат алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан Ўзбекистон ҳам барча хорижий давлатлар билан ўзининг серқирра ҳамкорлигини амалга оширмоқда. Сайёҳлик гуруҳларининг дунёнинг турли ўлкаларига тез-тез бориб келиши ҳам оддий бир ҳол бўлиб қолди. Мамлакатлар ўртасидаги борди-келдининг авж олиши иқтисодий нуқтаи назардан давлатларга ҳам, ишбилармонларга ҳам наф келтиради. Лекин, бундай вақтда эътибор берилиши зарур бўлган санитария-гигиена талаблари мавжуд. Уларга амал қилмаслик ич терлама касаллигининг мамлакатимизга осон кириб келишига йўл очиб беради. Юртимизнинг иссиқ иқлими, қолаверса, гоҳида очиқ сув ҳавзаларидан фойдаланиш ич терлама касаллигининг тез тарқалиб кетишига имкон беради.

Хўш, ич терлама касаллиги нима ўзи?

Юқорида зикр қилганимиздек, ич терлама касаллиги ўткир юқумли касаллик ҳисобланиб, ошқозон-ичак йўллари орқали юқадиган инфекциялар гуруҳига киради. Ич терлама касаллигида инфекция манбаи фақат одам ҳисобланади. Касаллик қўзғатувчилари бемор ёки бактерия ташувчи соғлом одам нажаси ва сийдиги билан ташқи муҳитга чиқади.

Касаллик қўзғатувчиси ташқи муҳитга анча чидамли бўлиб, оқиб турган сувда 5—10 кун, кўлмак сувда бирнеча ойгача, водопровод сувида — 3 ойгача, мева ва сабзавотларда 5—10 кун яшайди. Сут, гўшт ва балиқдан тайёрланган маҳсулотларда эса ҳатто кўпайиш хусусиятига эга.

Соғлом одам организмига касаллик чиқарувчи микроблар зарарланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари орқали тушади. Бундан ташқари, ифлосланган қўллар, маиший-турмуш буюмлари (идиш-товоқ, кийим, кўрпа-ёстиқ, сочиқ) ва пашшалар ҳам касалликни юқтириш омиллари бўлиб хизмат қилади.



Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида ич терлама касаллигининг бошқа юқумли ошқозон-ичак касалликлари сингари тез тарқалиб кетиш хусусиятини ҳамда инсон организмига ёмон таъсир қилиб, асоратлар қолдириши ҳатто ўлим ҳолатига ҳам олиб келишини ҳар бир офицер, сержант ва аскар билиши керак. Касалликнинг юқиш йўллари, клиник белгилари ва унинг олдини олиш йўлларини билиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Касаллик юққандан сўнг бошланғич белгилари юзага чиққунгача бўлган давр 7 кундан 25 кунгача, ўрта ҳисобда 12—15 кун давом этади. Аста-секин умумий ҳолсизлик, эт увиши, бош оғриши ва иштаҳа йўқолиши билан бошланади, кейинчалик касаллик белгилари зўрайиб боради. Ҳолсизлик беморни ётишга мажбур қилиб қўяди.

Тана ҳарорати босқичма-босқич кўтарилади ва хасталикнинг 4—5-кунига келиб, 39—40° С га етади, қорин дам бўлади. Ич қотиши, баъзи ҳолларда эса ич кетиши кузатилади.

Касалликнинг 5—7-кунларига келиб нерв системаси бузилиши белгилари (бош оғриғи, атрофдагиларга бефарқлик, уйқусизлик, алаҳсираш) кучаяди. 8—9 кунлардан бошлаб қоринда, тананинг кўкрак ва орқа қисмида оч қизғиш тошмалар пайдо бўлади.

Даволаш муолажалари вақтида бошланмаса, касаллик энг оғир асоратларга: ичакдан қон кетиши, ичакнинг тешилиши, инфекцион-токсик шок ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин. Шунинг учун касалликнинг биламчи белгилари пайдо бўлиши билан тезда тиббиёт ходимларига мурожаат қилинса, уни даволаш ва асоратларини олдини олиш енгил кечади.

Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олиш афзалроқдир. Шунинг учун касалланишнинг олдини олиш ҳар бир офицер, сержант ва аскарнинг бурчидир.

Ич терламага қарши кураш чоралари тизимида шахсий таркибни сув билан таъминлаш, унинг сифатини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага етказиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, асосан сут маҳсулотларини мунтазам равишда назорат қилиб туриш муҳим ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари, аскарлар ётоқхоналари ва ҳожатхоналарни тоза тутиш, ҳар куни хлорли эритма билан дезинфекциялаб туриш керак.

Ахлат чиқиндилари тўпланиб қолишига, пашшалар кўпайишига йўл қўймаслик учун ахлатларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш ва ахлатхоналарга вақти-вақти билан дезинфекция моддалари билан ишлов бериб борилиши шарт.

Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, тирноқларни ўз вақтида олиб туриш, ҳожатхонадан чиққандан сўнг ва овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш талаб этилади. Ариқ-зовурлардан сув ичмаслик керак, чунки бундай сувлар ҳар хил ошқозон-ичак юқумли касалликлари, шу билан бирга ич терлама касаллиги қўзғатувчисининг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир бўлинмаларда қайнатилган ичимлик суви ёки чой ташкил қилиш, ҳарбий дала машғулотлари даврида эса ҳар бир аскарнинг шахсий чой идиши бўлиши ва у кунига уч маҳал чой билан тўлдирилиши лозим.

Ич терлама билан оғриган беморлар аниқланганда дарҳол даволаш муассасаларига ётқизилиши шарт.

Ушбу тавсияларга амал қилсак, шахсий таркиб орасида ич терлама касаллигини вужудга келиши ва тарқалишини олдини олган, қисм ва бўлинмалар жанговар шайлигини таъминлашга, ёзги ўқув мавсумини юқори савияда ўтказишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Тиббий хизмат подполковниги Қ. ҲОЛИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази эпидемиология бўлими бошлиғи,
Тиббий хизмат майори М. ИМОМАЛИЕВ,
Санитария-эпидемиология назорат маркази катта врач-мутахассиси.

СПЛАВ ЗАБОТЫ И ТРЕБОВАТЕЛЬНОСТИ

Более семнадцати лет служит в подразделении Караульных войск, где командиром майор П. Исмаилов, сержант контрактной службы Лиля Трубач. Служит честно и добросовестно — таково единодушное мнение всех, кто знает ее и служит вместе с ней.

Должность у сержанта Л. Трубач самая что ни на есть обыкновенная, скромная и не вызывает при своем упоминании каких-либо громких ассоциаций и не окружена романтическим ореолом. Она—медицинский работник. Забота о здоровье воинов, и специальность ее, и любовь, и призвание. А если еще учесть, что благодаря ее стараниям воины постоянно находятся в строю и всегда готовы выполнять боевые задачи, то можно смело сказать, что должность у нее и нужная, и ответственная, и почетная.

Быть медиком она мечтала с детства (мама ее тоже была медработником), поэтому после школы Лиля заканчивает медицинское училище и несколько лет работает в городской больнице медицинской сестрой. Постепенно пришло желание работать на более ответственном, самостоятельном участке. В ноябре 1986 года Лиля Аметовна поступает на военную службу санинструктором, а затем фельдшером подразделения. И все эти годы сержант Л. Трубач стоит на страже здоровья военнослужащих.

Не сидит без дела эта неутомимая и энергичная женщина: во все вникает, интересуется каждой мелочью, ничего не упускает из виду. А круг ежедневных ее обязанностей широк и многогранен: прием и оказание медицинской помощи нуждающимся в ней военнослужащим, проведение осмотров, контроль за санитарным состоянием столовой, пищеблока, жилых помещений и территории военного городка, проверка состояния здоровья личного состава, заступающего на боевую службу и в суточные наряды, соблюдения технологии обработки продуктов на кухне и качества приготовленной пищи, решение вопросов с местными органами здравоохранения о проведении отдельным больным солдатам и сержантам консультаций врачей-специалистов, проведение с военнослужащими необходимой санитарно-профилактической работы.

О том, что у нее все это получается, свидетельствуют многочисленные добрые отзывы со стороны военнослужащих, тот большой авторитет, которым она заслуженно пользуется в воинском коллективе. «О сержанте Лиле Трубач можно говорить только положительно, — характеризует ее начальник медицинской службы части подполковник М. Бобокулов, — ибо она специалист своего дела, всегда добросовестно выполняет служебные обязанности, проявляет большую заботу о здоровье воинов. Одним словом, этот человек на своем месте, и она умело и оперативно решает все вопросы медицинского обслуживания личного состава одного из отдаленных подразделений части». А воины подразделения с любовью и уважением называют ее стражем здоровья, блюстителем уюта и порядка в дружной солдатской семье. Говорят, что Лиле Аметовне к лицу и белый халат, и военная форма.

Николай ЧУРСИНОВ,
полковник в отставке.

● ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

КЎНГИЛ УЙИ

Маржон курсдошларим орасида энг шўх, шаддод қиз эди. Турмушга чиқиб ҳам ундаги бу характер ўзгармади. Уларникига тез-тез бориб турардим. Қайнонаси билан туришарди. Маржон қайнонасини оғзидан бол томиб мақтарди. Университетни тугатгач, барчамиз тарқалиб кетдик. Мен Маржонникига бориб туришни, у эса мен ишлайдиган таҳририятга келиб-кетишни канда қилмасди.

Бир куни хонамга хомуш кириб келди.

— Ҳа, Маржон? Ташқарида қор ёғаяптими? Сизга ҳам юқдими?

— Йўғ-э. Уйимизда озгина жанжал бўлди.

— Жудаям аҳил эдингизку! Кўз тегдими?

— Қайнонам зерикаяпман деб, бизни қўярда-қўймай овсиним турган жойга кўчириб юборди. Овсиним эса икки боласи билан мен турган ҳовлига жон-жон деб кўчиб ўтди.

— Шунга шунчами? Қайтанга яхши эмасми? Мустақил яшайсизлар. Бировнинг қош-қовоғига қарамайсизлар.

— Мен ўша келин бўлиб тушган уйга меҳр қўйгандим. Бу уйга сираям кўниколмаяпман. Гўёки турмушимиз ҳам омонатга ўхшайди. Дардларимни ичимга ютиб келдим. Энди бировга айтмасам портлаб кетаман.

— Ҳай-ҳай, Маржон! Ундай деманг. Курсдошларим орасида энг бахтли келин — сиз бўласиз-а!

— Мен-а, мен? Ҳеч қачон! Илгарилари бахтлиман деб ўйлардим. Энди эса бир ҳақиқатни биламан. Биз мевасиз дарахтмиз, эшитаяпсизми, мевасиз дарахт!

У йиғлаб юборди. Дарҳол юпатишга ҳаракат қилдим.

— Қани бир бошдан гапирингчи, ўзингиз ҳам енгил тортасиз. Йиғламанг, сиқилманг.

— Шу пайтгача бирон инсонга чурқ этмадим. Турмуш ўртоғим Баҳром менга севиб уйланган. Мен эса йигит киши севса бўлди-да, шуни ўзи кифоя, деб ўйлардим. У жудаям меҳрибон, ғамхўр эди. Уларнинг турмуш тарзига ҳам қўникдим. Орадан бир йил ўтгач, қайнонамнинг ўғлига айтаётган гапини нохосдан эшитиб қолдим:

— Ҳадеб ликиллаб юравермасдан, хотининг ўзини дўхтирга кўрсатсин! Мен ҳам набира кўргим келади.

— Ҳали ёш-ку, ойижон! Қолаверса, ўқиши битсин, нима қилади шошилиб.

— У нима деганинг, болам! Ахир одамлар гапиришаяпти. Сендан кейин уйланган Восит кеча ўғил кўрибди. Сен лаллайиб юраверасанми?

— Бўлди-да, ойижон! Одамлар нима деса деяверсин! Уларнинг гапи мени қизиқтирмайди.

Баҳром уйдан чиқдию мени эшик олдида кўриб, қотиб қолди. Мен эса гўёки ҳозиргина ҳовлига киргандек тутдим ўзимни ва салом бердим.

— Қачон келдинг?

— Ҳозиргина ўқишдан қайтдим. Ойижонимдан ҳолаҳвол сўрамоқчи бўлиб эндигина кирмоқчи эдим.

— Ҳа-я, кирақол! Ойим ҳам сени соғиниб ўтиргандилар.

Уйга кириб ойижоним билан сўрашиб чиқдим. Эшитган гапларим менга ёмон таъсир қилди. Ҳеч кимга билдирмасдан врачга учрашдим, анализ топширдим. Афсуски, анализ жавоблари ёмон чиқибди. Турмуш ўртоғимдан ёмон касал юқтирибман. Бараварига даволанишимиз шарт экан. Турмуш ўртоғимдан нафратланиб кетдим. У билан бу ҳақда гаплашиб олдим. Баҳром уйланмасдан олдин суюқоёқ қизлар билан юрганини тан олди.

Обдон текширувдан ўтдик. Касаллик анча ўтказиб юборилган экан. Даволаниш осон кечмади. Мен эса гўёки ҳеч нарса бўлмагандек ҳаммага ўзимни қувноқ кўрсатиб юравердим. Мана, орадан олти йил ўтди. Фарзандли бўлганимда беш ёшга кирарди. Қайнонам нуқул айбни менга қўяди. Ўғлининг касалидан бехабар. Бор-е, деб ҳаммасига қўл силтаб, ажрашиб кетаймикан? Еки Худога: «Бир парча тирноқ бер», дея илтижо қилайми? Тўй-ҳашамларга ҳам бормай қўйдим. Болакайларни кўрсам, кўнглим бузилиб кетаверади. Бола кўтарган аёлларни кўриб, юрагим эзилади. Бир куни уйга келиб, ҳамма ёққа «Бола кўтарган она — энг бахтли аёл», дея ёзиб, осиб ташладим. Ишдан қайтган хўжайиним уни кўриб, ранги ўзгарди. Барча ёзганларимни олиб, ғижимлаб, деразадан улоқтирди-да, уйдан чиқиб кетди. Ярим кечаси ичиб келибди. Менга бир сўз ҳам демади. Яна дўхтирларнинг текширувидан ўтдик. Ундан бола бўлиши даргумон экан. «Дод!» дея бақиргим келди, аммо тишимни-тишимга қўйдим. Уйга келиб, ўксиниб-ўксиниб йиғладим. Уйдан бош олиб кетмоқчи ҳам бўлдим, уддасидан чиқолмадим. Хўжайним билан ўтган ширин дамларимни эсладим. Бундан кейинги ҳаётимни усиз тасаввур қилолмадим. Қолаверса, бу уй аллақачон кўнгил уйимга айланиб бўлганди. Кўнгил уйидан воз кечмоқ — азоб экан, азоб. Ҳеч кимнинг, ҳаттоки чуғурчиқнинг ҳам уйи бузилмасин. Кўнгил уйи мени ўз домидан чиқармади...

Маржон шундай дея яна ўша гўшасига шошилди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи.

● УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ ОЛДИДАН

Кашф этади ҳарбий спортчиларни

Мактабда, лицей, коллежларда, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларимиз учун уч босқичли спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» анъана тусини олганлигини яхши биламиз. Хўш, ўқувчи, талаба таълим масканини тугаллаб, армияга борса, қўйнигки, ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғласа, спорт оламидан узилиб қоладими? Худди ана шу саволга Умумармия ўйинлари ташкил этилиши жавоб бўла олди. Янги ташкил этилган бу тизим, унинг доирасида ўтказилган ички босқич мусобақалари хусусида тўхталганмиз. Мана, энди мазкур ўйинлар моҳиятига атрофлича тўхталсак бўлади. Негаки, Умумармия ўйинларининг Низоми қабул қилинди, рамзи тайёрланаяпти. Хуллас, ҳарбийларимиз ҳаётига кириб келган бу спорт байрами борасида сиз, азиз муштарийларга атрофлича сўзлаб бериш учун Қуролли Кучлар Бирлашган штаби жисмоний тайёргарлик бўлими бошлиғи подполковник Эдуард ЯУШЕВ билан суҳбатлашдик.

— Ўртоқ подполковник, келинг, аввало, Умумармия ўйинларининг асосий мақсад ва вазифаларига тўхталсак.

— Аввало, Умумармия ўйинларидан кўзланган мақсад Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 4 ноябрдаги оммавий спортни таргиб-ташвиқ қилишни кучайтириш борасидаги Қарорларини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, уларнинг маҳорати ва жисмоний баркамоллигини оширишдан иборат. Стратегик мақсадимиз эса Умумармия ўйинлари орқали оммавий спорт ва катта спортни бир-бирига боғловчи бўғин ҳосил қилиш. Умумармия ўйинларининг вазифалари қуйидаги тамойилларда ўз аксини топган: мусобақабоп, нуфузли, томошабоп, тарбиявий.

— Эдуард Марксович, ўйинлар Низоми асосида унинг моҳиятини атрофлича сўзлаб берсангиз.

— Умумармия ўйинлари спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпиада турлари бўйича ўтказилиб, унга Мудофаа вазирлиги спорт қўмитаси умумий раҳбарлик қилади. Мазкур мусобақада Мудофаа вазирлиги қўшинларининг, Ички ишлар вазирлиги Қоровул ва Ички қўшинларининг, Чегара қўшинларининг ҳарбий хизматчилари иштирок этиши мумкин. Ҳарбий хизматчи Умумармия ўйинларининг бир турдаги дастуридан ортиқ бўлмаган ҳолатда спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпиада турлари бўйича қатнашиш ҳуқуқига эга. Ўйинлар дастуридаги барча спорт турлари бўйича қатнашиш учун мусобақа бошланишидан бир ой олдин ариза, 10 кун олдин эса қатнашчилар рўйхати берилади. Мусобақанинг битта спорт тури бўйича қатнашмаган жамоага ўша йўналишда охирги ўрин ва уч жарима балл ёзилади. Худди шу ҳолатда якка тартибдаги иштирокчига охирги ўрин ва беш жарима балл қайд этилади. Умумжамоа биринчилиги ҳарбий округлар ва ҳарбий-ўқув муассасалари терма жамоаларининг мусобақанинг барча дастури доирасидаги беллашувларда эгаллаган ўринлари билан аниқланади. Шу ўринда ўйинлар дастуридан ўрин олган спорт турлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсам. Улар — тош кўтариш, миллий кураш, офицерлар учкураши, ҳарбий-спорт комплекси кўпкураши, ҳарбий учкураш, енгил атлетика кросси, қўл жанги, футбол. Мусобақаларни ўтказиш низомида ҳар бир спорт тури бўйича беллашув ўтказиш тартиби аниқ кўрсатиб ўтилган. Масалан, тош кўтариш бўйича жамоа таркиби, вазн тоифаси, қуръа ташлаш қоидаси, вазнни ўлчаш, қатнашчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартиби белгилаб берилган. Дейлик, қатнашчи асосий ҳакамлик коллегиясига жамоаси вакили, капитани орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Еки бўлмаса, беллашувга чорланганидан бошлаб, 3 минутгача ҳозир бўлмаса, мусобақадан четлаштирилади. Хуллас, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир спорт тури бўйича тартиблар ишлаб чиқилган.

Энди тақдирлаш тартиби ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Умумармия ўйинларида умумжамоа ҳисобида биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган жамоалар кўчма кубок ва мос равишда рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланишади. Ўйинлар дастуридаги ҳар бир спорт тури бўйича биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган жамоалар ҳам ўша спорт тури бўйича кўчма кубок ва қимматбаҳо совғалар ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланишади. Ўйинлар дастуридаги ҳар бир спорт турида биринчи ўринни эгаллаган спортчилар Умумармия ўйинлари чемпиони бўлишади ва медаллар, Фахрий ёрлиқлар, совғалар, ҳарбий-спорт классификацияси шартларини бажаришига қараб «спорт устаси», «спорт усталигига номзод» унвонлари билан тақдирланадилар. Иккинчи, учинчи ўрин соҳибларига эса медаллар ва Фахрий ёрлиқлар топширилади.

— Умумармия ўйинлари ўтказилиши жойи ва тартиби хусусида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Мусобақаларимиз жорий йил 24 июлдан 2 августгача бўлиб ўтади. Икки йилда бир бора ўтказиладиган Умумармия ўйинларининг очилиш ва ёпилиш қисми тантанали равишда бўлиши кўзда тутилган. Бу борада тайёргарлик авжида, дейиш мумкин. Беллашувлар Марказий ҳарбий спорт клуби, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби спорт комплекси, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўтказилиши режалаштирилган.

— Ҳарбийларимизнинг бу спорт байрами кўтаринки руҳда ўтиши учун давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорликлари ҳам муҳим. Бу борада қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Таъкидлаш жоизки, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мусобақалар жараёнида улкан ёрдам кўрсатишади. Шунингдек, мазкур спорт байрамининг очилиш ва ёпилиш тантаналарида, спортчиларимизни рағбатлантиришда бир қатор жамоат ташкилотларининг иштироки кутилаяпти.

— Ҳарбий округлар ёки ҳарбий-ўқув муассасаларидан қайси бирларининг жамоалари тайёргарлиги ва имкониятларини юксак баҳолаган бўлардингиз?

— Бирон-бир жамоани алоҳида кўрсатиб ўтиш ниятим йўқ. Барида мусобақага тайёргарлик талаб даражасида, Қолганини вақт кўрсатади.

— Тўғри, буни вақт кўрсатади. Аммо ҳозирданоқ Умумармия ўйинлари ҳарбийларимизга нима беришини айтиш мумкинми?

— Албатта, бу ўйинлар мақсад ва вазифаларида ҳам ўз аксини топган. Қолаверса, Умумармия ўйинлари якунларига қараб, жисмоний тарбиянинг, оммавий спорт ишларининг қўшинлардаги аҳволини билиб олиш мумкин. Шунингдек, мазкур мусобақалар ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмоний тарбия бўйича қобилиятларини намоён этиш учун кенг имкониятлар очади. Ниҳоят, Қуролли Кучларимиз халқаро майдондаги мусобақаларда янада фаол қатнашиши учун унинг терма жамоалари захираси шакллана боради.

«Ватанпарвар» газетаси мухбири капитан Алижон САФАРОВ суҳбатлашди.

НА КАНАЛЕ «ЛИБЕРТИ ТВ» — УЗБЕКИСТАН

Фильмом о праздновании Навруза успешно дебютировала серия передач «Либерти ТВ» об Узбекистане.

Этот популярный в странах Бенилюкс-телеканал — один из ведущих в области рекламы туризма. Его программы принимают во Франции, Германии, Греции, Польше, в ряде других европейских стран, он имеет постоянную десятимиллионную зрительскую аудиторию.

Бельгийские тележурналисты побывали в Ташкенте, Хиве, Бухаре и Самарканде, где знакомились с традициями и обычаями узбекского народа.

Первая телепередача об Узбекистане, вышедшая на «Либерти ТВ», была посвящена историческим, культурным и туристическим достопримечательностям нашей страны. Отдельные ее «страницы» посвящены истории и традициям празднования Навруза и рассказу о популярном в Узбекистане виде конного спорта — улаке. Захватывающие съемки народного состязания были проведены в селении Кушрабад Самаркандской области.

Проявленный после телепередачи интерес телезрителей к нашей стране побудил представителей телекомпании задуматься над созданием новых туристических маршрутов по республике и постоянной рекламой туристического потенциала Узбекистана.

В ближайшее время запланирован показ телефильмов, посвященных Бухаре и Самарканду. Причем каждый из них будет демонстрироваться в эфире три раза в день в течение недели. Это позволит многомиллионной аудитории европейских телезрителей и туристов ближе познакомиться с нашей страной.

Ж. МУТАЛОВ, НА «Жахон». Брюссель.

СКАНВОРД



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ХАНДАЛАР

— Мени тентак деган сизми?

— Ҳа, мен.

— Буни ҳазиллашиб айтдингизми?

— Йўқ, жиддий айтдим.

— Унда сизни худо асрабди. Чунки мен бундай ҳазилни сира кўтаролмайман.

***

— Талаба, айтингчи, химия туфайли биз нимага эришдик?

— Устоз, «нимага» эмас, «кимга»? Ола-була сочли йигит ва қизларга...

***

— Типратиканлар нима билан озиқланадилар?

— Кактуслар билан.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Сизда кўпгина янги имкониятлар пайдо бўлади, бироқ айни вақтда хизмат билан боғлиқ мажбуриятларингиз сони ҳам ортади. Командир, раҳбарлар билан баҳсмунозараларга борманг, бу кўнгилсизликдан бошқа ҳеч нарса бермайди. Барча ишларда қатъийлик ва фаоллик кўрсатинг — шунда сизга омад кулиб боқади.

БУЗОҚ. Дўстлар, шериклар, сафдошларга нисбатан эътиборли бўлинг, чунки режаларингиз амалга ошиши уларнинг сизга бўлган муносабатига боғлиқ. Муваффақиятга эришиш учун барча керакли нарсалар тахт қилиб қўйилганига амин бўлмасангиз, ҳозирча янги ишларни бошламанг. Ҳар бир ахборот ва ҳужжатларни синчиклаб текширинг, акс ҳолда алданиб қолишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР. Ажойиб кайфият, ўзингизни яхши ҳис қилиш ва ўз кучингизга ишонч бу ҳафтада ҳамроҳингиз бўлади. Бирон белгиланган учрашувингиз бўлса, у маълум муддатга қолдирилиши мумкин. Бирваракайига бир қанча ишларга уринманг, яхшиси энг муҳимини танлаб олиб, якунига етказишга ҳаракат қилинг. Ўз фикрингизни ҳимоя қилишда топқирлик ва идрокингизни намоён қилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Фикр ва ғояларингизни амалга оширишга ҳозирча ҳаракат қилмаслик ва ўз ва оилага бағишланг.

ТАРОЗУ. Ҳафта бошида янги лойиҳаларни бошламаганингиз маъқул, яхшиси йиғилиб қолган ишларни якунлаб олинг. Командирлар ва сафдошларингиз сиздан кўп нарсаларни кутишмоқда. Атрофдагиларга кўпроқ ишонинг. Сафдошларни қўллаб-қувватланг, чунки уларнинг ғоялари ўзига хос ва ўз вақтида амалга оширилаётган бўлади.

ЧАЁН. Хизматдан ташқари ишлар борасидаги хаёллар билан ўзингизни чалғитманг. Улар сизга фақат ҳалал беради. Муаммоларни хуш кўрмасангиз, майда ишларга ҳам эътибор қаратинг. Ўз хизмат ҳолатингиз борасида қайгуришга ҳожат йўқ. Ишларингиз кўнгилдагидек давом этади. Фақат ўз куч ва имкониятларингизга таянганингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

ЎҚОТАР. Муҳим ишларни якунлаб олишга шошилинг ёки кўпдан бери ташлаб қўйилган ишларни тикланг. Хизматда қилинган асоссиз танқид қарорингизни ўзгартиришга сабаб бўлиши мумкин. Янги иш қидириш ҳақида ўйлаб кўрсангиз ҳам бўлади. Мансаб пиллапоясидан кўтарилиш эҳтимоли ҳам бор. Бегоналарнинг ички оилавий ишларингизга аралаштирмасликка ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бирон-бир ишни бошлашдан аввал яхшилаб ўйлаб кўринг. Оқибатини ўйламасдан, ҳеч нарсани бошламаганингиз маъқул. Ўз нуқтаи назарингизни исботлашга уринманг, ҳозирги ҳолатда бир оз ортга чекиниш мақсадга мувофиқ. Соғлом ҳаёт тарзини олиб бориш ҳақида ўйлаб кўринг. Ҳужжатларнинг тўғри ва ўз вақтида юритилишига эътибор қаратинг.

ҚОВҒА. Сизнинг ўзига хослик кўрсатишингиз атрофдагилар томонидан турлича талқин қилинади. Хизматда иккиланишларга йўл қўйманг. Сафдошларингиз назарида ишончсиз бўлиб кўринган лойиҳаларни амалга оширишга эришасиз ва бу билан уларни ҳайрон қолдирасиз. Аввал ҳал этилмаган муаммолар ўзини эслатиши мумкин.

БАЛИҚ. Сизнинг жиддий эътиборингизни талаб қилувчи кўплаб ишлар кутмоқда. Сизга омад кулиб боқади ва бу кимнингдир ҳасадини қўзғайди, аммо бундан чўчиманг — ҳеч ким сизга ҳалал беролмайди. Янги ишларни бошлаш тавсия этилмайди. Сафдошлар билан бамаслаҳат иш тутиш яхши натижалар келтиради.

● ФУТБОЛ. ЧЕМПИОНАТ ЕВРОПЫ-2004

Приближается момент истины

На Евро-2004 приближается к завершению только второй тур группового турнира, а кое-кому уже необходимо позаботиться о приобретении билетов на обратный рейс. В первую очередь это, конечно же, касается сборной России, судьба которой предрешена. Не исключено, что компанию ей составят латыши и болгары, однако об этом мы узнаем только сегодня, когда станут известны результаты матчей в группе «С» и «Д». А пока вернемся к событиям дней минувших, которые принесли радость одним и полное разочарование другим.

ГРЕЦИЯ ЛИКУЕТ, А РОССИЯ...

Лукавил, ох, как лукавил наставник сборной Греции Отто Рехагель, когда накануне чемпионата Европы заявлял о том, что будет рад даже тому, если его команда одержит в группе хоть одну победу. Не исключено, что таким способом тренер пытался усыпить бдительность соперников, а сам тем временем самым тщательным образом настраивал своих подопечных на максимальный результат. И тренерские установки греческие футболисты выполняют неукоснительно, что позволяет им в настоящее время возглавлять турнирную таблицу. Отмечу одну особенность: Отто Рехагель — немец и с игроками работает через переводчика, но, несмотря на это неудобство, ему удалось сколотить коллектив единомышленников, понимающих на поле друг друга с полуслова. В этом мы убедились в их матче с хозяевами чемпионата, не менее слаженно работала греческая «машина» и во встрече с испанцами, которые после победы над россиянами горели желанием, не дожидаясь исхода завершающего поединка, решить вопрос выхода в четвертьфинал. Поначалу все складывалось согласно сценарию Иньяки Саеса: на 28-й минуте после ювелирного паса Рауля Морьентес вывел свою команду вперед. Этот счет продержался до середины второго тайма. Греки, в обоих встречах избравшие тактику игры вторым номером, грамотно оборонялись, но не забывали при этом и об контратаках, одна из которых завершилась точным ударом Ангелоса Харистеаса. Ничья в полной мере устраивала греков, чего не скажешь о представителях страны басков. После пропущенного гола они заметно усилили натиск, но успеха им это так и не принесло.Теперь, чтобы не оказаться за бортом, им предстоит приложить максимум усилий в решающем матче со сборной Португалии. За последние двадцать лет португальцам ни разу не удавалось победить испанцев, но ныне ситуация особая, ведь в случае очередного поражения они сами могут остаться ни с чем. Правда, наставник хозяев чемпионата Луиз Сколари считает, что эта нехорошая традиция наконец будет нарушена, и поводом для столь оптимистических заявлений служит ему успех, достигнутый во встрече с россиянами. На этот поединок португальцы выходили с одним единственным намерением — выиграть. Впрочем, ничего другого им не оставалось, ведь на старте они допустили осечку, которая дорого им могла обойтись.

Георгий Ярцев после конфликта с Мостовым и градом критики в его адрес на предмет не совсем удачного состава команды в матче с испанцами ввел в бой свежие силы. Однако вышедшие на поле Бугаев, Лоськов, Каряка, Кержаков ничего нового в действия россиян не внесли. Защитные порядки по-прежнему давали сбои, за что и были наказаны уже на 7-й минуте. Никем не прикрытый Манише огорчил Овчинникова и здорово порадовал своих болельщиков. К сожалению, для голкипера сборной России это была не единственная неприятность в этом матче. Незадолго до перерыва он был удален с поля, причем, как выяснилось позже, без всяких на то причин. Норвежскому арбитру, обслуживающему встречу, показалось, что вратарь сыграл руками за пределами штрафной. Именно показалось, поскольку из дальнейшего разбирательства следует: Овчинников сыграл строго по правилам. Впоследствии судья извинился перед голкипером и руководством команды, но поезд, как говорится, уже ушел. Тот матч россияне доигрывали вдесятером, что, естественно, не могло не сказаться на состоянии футболистов. Под занавес встречи Руи Кошта поставил окончательную точку и тем самым лишил сборную России всех шансов выхода из группы. Несомненно, при анализе действий россиян на Евро-2004 многие будут ссылаться на этот досадный промах судьи, но ради справедливости надо заметить, что команда Ярцева во многом виновата сама, и то, что она уже собирает чемоданы, на мой взгляд, вполне закономерный итог.

	И	В	Н	П	М	О
1. Греция	2	1	1	0	3—2	4
2. Испания	2	1	1	0	2—1	4
3. Португалия	2	1	0	1	3—2	3
4. Россия	2	0	0	2	0—3	0

ОСЕЧКА ЧЕМПИОНА

Судя по тому, как действовали англичане в матче со сборной Швейцарии, они оправились от удара, который нанесли им французы. Правда, и соперник на сей раз им достался не самый сильный. Особой критики команда Коби Куна не заслуживает, но надо признать, что истинного мастерства, должного умения быть наравне с более именитым соперником ей пока не хватает.

Первое, что бросалось в глаза в действиях швейцарцев, так это недостаточная уверенность на завершающей стадии, чего не скажешь о родоначальниках футбола. Пусть и у них не всегда все выходило гладко, но стремление довести до конечного завершения каждую атаку читалось без труда. Особенно старался Бэкхем, стремясь реабилитироваться за ошибку в прошлом матче. И хотя капитан сборной Англии сам не отличился, но сделал все возможное, чтобы помочь в этом партнерам. В каждом забитом мяче (а их в этой встрече было три) есть доля участия Бэкхема. За выверенные передачи благодарен ему Уэйн Руни, оформивший дубль, то же самое может сказать и Стивен Джерард.

Набрав три очка, сборная Англии занимает вторую строчку, но это не обеспечивает ей спокойной жизни. Чтобы выйти в следующую стадию, ей необходимо обыграть хорватов, а сделать это будет не просто. И в этом они сами убедились, узнав результат встречи Хорватия — Франция.

Для подопечных Жака Сантини эта встреча запомнится надолго, ведь они сами едва не оказались в роли тех же англичан. Поведя в счете, французы позволили себе дать слабинку и тут же получили по заслугам. Хорваты не только восстановили статус-кво, но и заставили сборную Франции отыгрываться. Усилиями Трезеге ей удалось это сделать, и встреча завершилась вничью — 2:2, но урок чемпионы Европы получили хороший, и теперь в оставшейся встрече со швейцарцами они вряд ли будут больше испытывать судьбу.

О том, какие перспективы у каждой из этих команд, вы сможете решить сами, внимательно изучив турнирную таблицу.

	И	В	Н	П	М	О
1. Франция	2	1	1	0	4—3	4
2. Англия	2	1	0	1	4—2	3
3. Хорватия	2	0	2	0	2—2	2
4. Швейцария	2	0	1	1	0—3	1

Вчера состоялись поединки в группе «С», где болгары встречались с датчанами, а итальянцы — со шведами. Сегодня нас ждет не менее увлекательное зрелище: латышей будут экзаменовать немцы, а голландцы выяснят отношения с чехами.

Ярослав КОРУКА.

Бош муҳаррир полковник Ирисмуҳаммад АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва иштимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 0221.